



# ISHONCH

ОЛИЙ БАХТ

Газета 1991 йил  
21 мартдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 29 апрел, шанба № 75 (2124)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА  
ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



## «БАҲОР КАМАЛАГИ» ЖИЛОЛАРИ

Пойтахтимизда 28 апрел куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси якунланди

Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон, Россия, Хитой, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон делегациялари раҳбарлари ШХТга аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг Тошкент учрашуви самарали ўтганини алоҳида таъкидладилар.

Томонлар ШХТ мамлакатлари ўртасида кўп томонлама маданий ҳамкорлик бўйича 2007-2008 йилларга мўлжалланган режани, Экспертлар ишчи гуруҳининг ШХТ мамлакатлари ўртасида маданият соҳасидаги ҳамкорлик бўйича 2007-2008 йилларга мўлжалланган иш режасини, 2006 йил июнда Хитойда ШХТга аъзо мамлакатларнинг иккинчи санъат фестивали тўғрисидаги низомни тасдиқладилар.

(Давоми 2-бетда)

Бугунги  
Андижон  
жамоли



## ҲАММА ЙЎЛЛАР ҚАРШИГА ОЛИБ БОРАДИ

Қашқадарё вилоятида «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақалари республика босқичи беллашувларига пухта тайёргарлик кўрилди. Дўстлик, бирдамлик, камолот ва гўзаллик байрами ёшларда она Ватанимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини кучайтириш, жисмоний ва баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.



(Давоми 2-бетда)

## БАЙРОҚ

### Ҳикоя

Бола уйнинг остонасига сумкасини ташлаб, пойабзалини ечаётганида ховли томондан дадасининг овози эшитилди:

— Ботир болам, сенмисан?

Дадасининг кайфияти яхши шеклли, чунки яхши бўлса, уни ҳозиргидай «Ботир болам» ёхуд «Ботир бола» дея чақириб одати бор эди.

— Менман, дада, — деб кўйди у овози жаранглаб.

— Бияққа ке! — деди дадаси эркаловчи оҳангда.

Ботир уйга кириб, апил-тапил кийимларини алмаштирди-да, қайтиб чиқди. Идишдаги сувда кўлини чайиб, ховлининг этагига қараб сурди.

Дадаси ўрталаб қолган баҳорнинг тинни куйдиргувчи офтобидан қочиб, ховлининг катта бир қисмини эгаллаган улкан ўрикнинг соясида Тўлқин чўлоқ деган ошнаси билан гаплашиб ўтирарди. Ботир Тўлқин чўлоқни яхши билади — дадасининг синфдоши. У асли тракторчи бўлган. Бир оёғини трактор босиб қолгач, оёғидан айрилиб, нафақага чиққан, яъни анчамунча одамнинг вақтини ўлдира оладиган ғирт бекорчи.

— Ассоломалейким, — дея салом берган Ботир аввал меҳмон, сўнг дадаси билан сўрашди.

— Келдингми, Ботир бола? Қани, ўтир-чи! Қорин ҳам очгандир?.. — Дадаси уни ёнига ўтказди. — Аянг энасиникига кетганида

бир маза қилайлик, ўғлим. Қани, олчи!

Ўртадаги ихчам кирчимол дастурхон устида баҳорда анча тансиқ бўладиган егуликлар бор эди. Помидор, бодринглар паррак-паррак қилиб тўғралган, уларнинг тиниқ ранги кўзни қамаштирарди. Товоқда эса қовурилган гўшт. Баҳорда бу нарсалар фалон пул туришини бола бўлса ҳам Ботир яхши биларди. Унинг оғзи сувланиб, юмшоқгина обинонга қўл узатди.

— Сен тортинмай оловур, — деб кўйди Тўлқин чўлоқ тили қалдираб. — Гўшдан олчи! — у бир бўлак гўштни Ботирнинг олдида сурди.

— Қани, урдик! — деди дадаси пиёлани оларкан.

Ие, арақ ичишаётган экан-да. Ҳа, билади — бу дадасининг «иши». Дадаси шунақа — бир ойда бир бор, ўзи айтмоқчи, «бўшалиб битини тўқволади». Ушандаям кўчапўчада ичиб юрмайди, ҳамма нарсани сотиб олади-да, Тўлқин чўлоқни ёки бирон дил яқин ошнасиними, уйга бошлаб келади-ю, битта-ярымта арақ ичишиб, мана шунақа гаплашиб ўтиришади. Бундай пайтда дадасининг гапини тинглаувчи одам топилса бўлди, ёзилгандан-ёзилади. Тўлқин чўлоққа ўхшаган кўли юлқа бекорчи учун эса бу айни муддао эди, айниқса, манавинақа «илик узилди» кунларда хайтовур оғзини чучитволарди.


(Давоми 9-бетда)

Мулоқот

3-бет

## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ЧИРОЙ

10-бет



СКАНВОРД

4-бет

## ЭГАСИГА НАФАҚА ЕТМАГАН

сохтакорлик ва қинғирликдан  
мақсад нима эди?

## БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириш ва ҳисобга олиш қандай амалга оширилади?

(Боши 1-бетда)

ШХТга аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси доирасида Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида ташкилотга аъзо мамлакатларнинг «Баҳор камалаги» мавзудаги рангтастар ва амалий санъат кўргазмаси очилди. Унинг очилишида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, Қозогистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Е.Ертисбаев, Хитой Халқ Республикаси маданият вазирининг ўринбосари М.Сяоси, Қирғизистон Республикаси маданият вазири С.Раев, Россия Федерацияси маданият ва оммавий коммуникациялар вазирининг ўринбосари Д.Амунц, Тожикистон Республикаси маданият вазири Р.Амиров ҳамда ШХТ Котибияти вакиллари иштирок этди.

## «БАҲОР КАМАЛАГИ» ЖИЛОЛАРИ

Пойтахтимизда 28 апрел куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси якунланди

«Баҳор камалаги» Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ШХТ билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакат тасвирий ва амалий санъат намуналари алоҳида экспозицияларда намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг Ўзбекистон бўлимида етук рассомлар ва ёш ижодкорларнинг асарлари намойиш этилмоқда. Афсона ва ривоятлар, замонавий саҳна

кўринишлари ва безакли композициялар, анъана ва услубий изланишлар замонавий ўзбек тасвирий санъатига хос жиҳатлардир. Улар халқимиз тарихий ва маданий меросининг муҳим қисми ҳисобланган амалий-безак санъати намуналарида ҳам ўз ифодасини топган.

Россия экспозициясида замонавий рус куракчи усталарининг асарлари намойиш этилаётган бўлса, қадимий Хитой маданияти шинавандалари Фуцзянь вилояти рангтастар санъати вакиллари асарлари билан танишиш имконига эга бўладилар.

Кўргазмадан жой олган тожик рассомларининг ишларида эса турли тасвирий усуллар орқали ҳозирги замон кишининг мураккаб дунёқарашини акс эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Қозогистон экспозициясидаги заргарлик, каштачилик, кўнчилик буюмлари, шунингдек, кигиздан ишланган композициялар миллий анъаналар давомийлигидан далолат беради. Қирғизистон вакиллари ўтган асрнинг иккинчи ярмига оид расмлар, кигиз, чарм ва духобага ишланган анъанавий каш-

тачилик намуналарини намойиш этмоқда.

«Баҳор камалаги» кўргазмаси ШХТ мамлакатларининг ўзига хос санъат байрамига айланди. Таъкидламоқ керакки, «Баҳор камалаги» Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар маданият вазирлари кенгашининг мажлиси доирасида ўтказилаётган ягона кўргазма эмас. Бир неча кун бурун Ўзбекистон байналмилал маданият марказида «Хушманзара Хитой» мавзудаги фотоқўргазма ҳам очилган эди. Унда хитойлик фотоусталарнинг ўз юртининг бугунги куни ва тарихидан ҳикоя қилувчи ўнлаб асарлари намойиш этилмоқда.

Анжуман иштирокчилари Ўзбекистон Давлат консерваторияси ва Тошкент Давлат санъат институти фаолияти билан ҳам танишдилар.

(ЎЗА)

### Кикбоксинг

## ЖАҲОН ЮЛДУЗЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

Кеча «Юнусобод» спорт - соғломлаштириш мажмуасида кикбоксинг бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати баҳслари бошланди

Ҳа, кикбоксинг мухлислари учун катта байрамга айланган ушбу жаҳон чемпионатининг айнан бизнинг юртимизда ўтаётгани бежиз эмас. Кейинги йилларда ўзбек кикбоксинг мактаби бутун дунёда ўзига хос мавқега эга эканлигини бир неча марта исботлади. Бугун ўзбек йигитлари Олмос Юсуфов, Темур Муҳаммаджонов, Шавкат Ўрақов, Аҳмед Алимбеков, Алишер Абдуллаев, Нуриддин Нуриддинов, Шерзод Кодиров, Аҳам Мирзаевларнинг номини барча ҳурмат билан тилга олади.

Илк марта бундан ўн йил муқаддам Киевда ўтган жаҳон чемпионатида «қалдирғоч» сифатида қатнашган вакилларимиз ўшанда кўпчиликни ажаблантириб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллашганди. Бу муваффақиятлар ўткнчи эмаслигини спортчиларимизнинг кейинги кўрсатган натижалари тасдиқлади. Ўтган йили Эронда ўтган жаҳон чемпионатида юртдошларимиз 8 та олтин, 5 та кумуш ва уч бронза медалларни қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида яна биринчи ўринни қўлга киритдилар.



Ўтган йили май ойида Москвада ўтган Халқаро кикбоксинг федерациясининг Конгрессида ўзбекистонлик Сардор Тошхўжаев ушбу нуфузли ташкилотнинг бош котиби этиб сайлангани ўзбек кикбоксинг мактабининг эътирофидир. Бу йилги жаҳон чемпионатида Канада, Эрон, Голландия, Россия, Озарбайжон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон, Қозогистон сингари дунёнинг 31 мамлакатидан 750 нафардан зиёд кучли спортчилар ташриф буюрдилар.

Чемпионатнинг ўзига хос жиҳатларидан бири бу ерда уч ёш тоифасидаги кикбоксчилар ўзаро куч синашадилар, дейди WFK Бош котиби Сардор Тошхўжаев. «Яъни, эндигина ушбу спорт турига кириб келган болалар ҳам ўз ёш тоифаларида жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиши мумкин бўлади. Шу боис биз мусобақа низомига кўра, жанглр ўтадиган ринглр сонини кўпайтирдик. Ахир, бу катта санъат даражасига кўтарилган спорт туринини ёшу-қари бемалол томоша қилсин-да. Ўйлайманки, ушбу мусобақалар орқали яна минглаб болакайлар ушбу спорт тури билан дўстлашади.

Дарҳақиқат, бугун кикбоксинг мамлакатимиз ёшларининг сеvimли машғулотига айланган. Айнан ушбу спорт тури билан бугун 50 мингдан зиёд болалар шуғулланмоқдалар. Бу ишда ҳар бир вилоятда фаолият юритаётган кикбоксинг федерациялари ва унинг фаоллари роли катта бўляпти. Шу боис иқтидорли спортчилар кундан-кун кўпаймоқда.

Жаҳон чемпионати баҳсларига келсак, мусобақалар 30 апрел куни ниҳоясига етади. Шу куни янги жаҳон чемпионлари номи маълум бўлади.

Абдулхай ЮНУСОВ,  
«Ишонч» мухбири

(Боши 1-бетда)

Қарши кўчаларига чиқсангиз кайфиятингиз кўтарилади. Ҳамма жойда бунёдкорлик ва янгилиш куртаклари. Улкан иморатлари, спорт мажмуалари, анвойи гулларга бурканган хиёбонлар, ойнадек текис ва равон йўллар... Ўзининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик кўраётган қадимий ва ҳамisha навқирон Насаф ўзгача нафосатга чулганган. Шу кунларда барчанинг нигоҳи Қашқадарё воҳасининг маркази Қаршига қаратилган.

Спорт — бу чиниқиш, тарбия ва сиёсатгина бўлиб қолмай, халқлар ўртасида маданий ва маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш ва дўстликни барқарорлаштирувчи восита ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Усмонжон Нусуров. —



«Нуристон» академик лицейи мусобақаларга ташриф буюрадиган спортчи ёшларнинг 364 нафарига мезбонлик қилади.

Мусобақалар ўтказиладиган Олимпия заҳиралари коллежидан халқаро андозаларга мос келадиган кўп минг кишилик ўйингоҳ, сузиш ҳавзаси қуриб битказилди. Меҳмонлар машғулотларга қатнашиш билан

тиб олишга 150 миллион 335 минг сўм маблағ ажратилган. Ҳаммаси бўлиб, 60 хилдан ортиқ жиҳозлар келтирилиб, жамоаларга тарқатиш учун тайёрлаб қўйилди.

Тиббий хизмат ходимларининг фаолияти спортчиларни вилоятимиз чегараси ва темир йўл вокзалида кутиб олишдан бошланади, — дейди «Қашқадарё соҳили» санаторийси бош врач, ташкилий штаб бошлиғи Акрам Акбаров. — Мусобақа иштирокчиларига Рустам Йўлдошев, Меили Ҳусанов, Эркин Нодиров, Қўлдош Қувватов, Жума Туропов раҳбарлигида 455 нафар тиббиёт ходимлари намунали хизмат кўрсатади.

Вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Хуррам Жўраевнинг таъкидлашича, спортчиларга 14 та овқатланиш жойлари хизматда бўлади.

— Мусобақа иштирокчилари

## ҲАММА ЙЎЛЛАР ҚАРШИГА ОЛИБ БОРАДИ

Навбатдаги спорт анжуманига терма жамоалар аъзолари, мураббийлар ва ўйинларни бошқариб ҳамда назорат қилиб борадиган ҳакамлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, театрлаштирилган байрам қатнашчилари билан биргаликда 3 мингдан зиёд киши қатнашиши режалаштирилган.

«Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларининг иштирокчилари ва меҳмонлари учун оммавий, маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси, Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти ректори Муродулла Нормуродов раҳбарлик қилмоқда.

Мусобақа қатнашчилари ва меҳмонлари учун 15 та тураржой маскани тайёрланган. Қарши Давлат университетининг 4 та ётоқхонаси «Муборакнефтвер», «Шўртаннефтвер» унитар шўъба корхоналари, Талимаржон иссиқлик электр станцияси каби ташкилотлар ҳомийлигида таъмирдан чиқарилиб, ўзига хос меъморий услубда янгиланди. Ҳар бир хона 2 нафар талабанинг яшаши учун мўлжалланган. Чўғдай кўзни оладиган гиламлар, замонавий мебеллар билан безатилган. Ечиниш, ювиниш, дам олиш, маънавият ва маърифат хоналари, интернет маркази, 500 ўринли ошхона ишлаб турибди. Ҳар бир тураржой масканида эрталабки йиғилишларни ўтказиш майдончалари бор. Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти қошида-

бирга дам олиш вақтида концертлар томоша қиладилар. Вилоят ва республиканинг таниқли санъаткорлари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашадилар. Улар учун ҳар хил ҳужжатли ва бадий фильмлар намойиш этилади. Қарши шаҳридан ташқари Яққабоб, Китобдаги тарихий ёдгорликлар, Шаҳрисабзнинг Оксарой, Кўкғумбаз, Чубин, Дорултиловат, Дорулсаодат сингари меъморчилик намуналари билан танишадилар. Қадимий қадамжоларни зиёрат қиладилар.

Спортнинг 12 тури бўйича беллашувлар шаҳардаги ўйингоҳлар, олий ўқув юртлари ва коллежларнинг барча қулайликларга эга бўлган спорт заллари ва майдончаларида ташкил қилинади, — дейди касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши раиси Қодир Турдиев. — Сузиш, бадий гимнастика, кураш, белбоғли кураш, қўл тўпи, спорт гимнастикаси бўйича баҳслар Олимпия заҳиралари коллежи ва Қарши муҳандислик иқтисодиёти институтининг мажмуаларида олиб борилса, стол теннис, баскетбол, волейбол, шахмат, енгил атлетика ўйинлари «Ахборот технологиялари» ва «Банк» коллежларида, «Нуристон» ва 2-академик лицейларнинг спорт залларида, яқинда бунёд этилган 20 минг кишилик янги ўйингоҳда ўтказилади. Футбол мусобақалари «Насаф» ва «Динамо» стадионларида бўлиб ўтади.

Мусобақалар учун керак бўладиган спорт жиҳозлари со-

га автотранспорт хизмати кўрсатиш учун 71 та сўнги русумли автобуслар ва 30 дан ортиқ енгил автомашиналар ажратилган, — дейди «Қашқадарёавтотранс» бирлашмаси раисининг ўринбосари Ф.Шопўлатов. — Ҳайдовчилар тиббий кўрикдан ўтказилиб, уларга хизмат кўрсатиш йўналишлари ажратилган.

Вилоят ҳокимлиги, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими бошқармалари, «Камолот» ижтимоий ҳаракати ва бошқа мутасадди ташкилотлар мусобақанинг юқори даражада ўтказилишини таъминлаш учун қатъий талабчанлик билан иш тутмоқдалар.

«Кичик олимпиада» деб таърифланаётган «Умид ниҳоллари» мусобақалари машъаласи Тошкент вилояти Паркент туманидаги «Физика-Куёш» илмий ишлаб чиқариш мажмуасида аланга олдирилади ва Қарши шаҳрига келгунига қадар 791 километр масофани босиб ўтади. Шундан 763 километри автомобил, 28 километри пиёдалар эстафетаси орқали олиб ўтилади.

Қашқадарёликлар республикамиз мактаб ўқувчиларининг катта спорт байрамига ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик кўрган ҳолда келдилар. Спортчи ёшларнинг баҳсларда ўз маҳоратларини намойиш этиб, совринли ўринларни қўлга киритишлари шубҳа йўқ.

ИЗЗАТ ҲИҚМАТОВ,  
ШАВКАТ СУЛТОНОВ,  
«Ишонч» махсус  
мухбирлари

**Мустақиллик йилларида диёримиз мўмин-мусулмонларининг эмин-эркин ибодат қилишлари учун катта қулайликлар, кенг шарт-шароитлар яратилди. Жамоатчи мухбиримизнинг Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Абдурашид қори БАҲРОМОВ билан сўхбати ҳам ана шулар ҳақида бўлди:**

— Аллоҳ таолога беадад шукрлар бўлсинки, халқимизга истиқлол берган бахт-саодатнинг ҳад-ҳудуди йўқ. Буюк неъмат — мустақилликнинг фуқароларимиз ҳаётига қилган таъсири янада улкан. Истиқлол туфайли динимиз ва миллий қадриятларимиз қайта тикланди. Ислон маданиятига мансуб бўлган минг йиллик тарихга эга, ўтмиш қаъридан оламга нур таратиб келган муқаддас обидалар — масжид ва мадрасалар мўмин-мусулмонларга қайтариб берилди. Ўтмиш аждодларимиздан қолган тарихий меросларимиз қайта тикланди, инсоний қадриятларимизнинг асосини ташкил этган Ислон дини таълимотларидан элимиз яна баҳраманд бўла бошлади.

Хур диёримиз мусулмонлари мана 15 йилдики, мустақиллик шароитида эркин нафас олаётганликларидан Аллоҳ таолога чексиз миннатдорчилик изҳор қилиб, доимий равишда ҳамду санолар айтаяптилар. Ватанимиз мустақиллиги йилдан-йилга мустаҳкамлашиб, Ўзбекистонимиз халқаро миқёсда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, халқимизнинг турмуш даражаси, эл-юрт фаровонлиги янада равнақ топиб бормоқда. Айниқса, ҳукуватимиз раҳбарияти, шахсан Юртбошимиз Ислон Каримов жаноблари мусулмонларнинг диний маросимларини камоли хуррият билан адо этишлари учун лозим бўлган барча шарт-шароитларни яратиб бермоқдалар.

Маълумки, ватан ва халқ тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Шу маънода Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Кимки бирор миллатни дилдан севса, қиёматда Парвардигор уни ўша миллат сафида тирилтиради», деган ҳадиси шарифлари гоят қадрли. Ҳар бир кишининг таркибида ўз авлоди бўлган миллатни севиш, у яшаган ва яшаётган Ватанни ардоқлаш табиийлигини англаш қийин эмас. Шунинг учун ҳам Ислон динида эл-юртга садоқат тушунчаси жуда улуғланади.

Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон азиз она Ватанимиз олди-

даги фуқаролик бурчларини яхши англаб олмоқлари лозим. Катта ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиш билан бирга зиммамизда бурч ва мажбуриятлар борлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Табиийки, инсон фарзанди қаерда, қайси мамлакатда дунёга келса, ана шу ер унинг учун муқаддас макон — Ватандир. Киндик қони тўкилган жой инсон учун ҳамма нарсадан ҳам азиз.

Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинаи мунавварага ҳижрат қилиб борганларидан сўнг туғилиб ўсган ватанлари Маккаи мукаррамани эслаб: «Агар қавмим мени Маккадан чиқиб кетишга мажбур қилмаганида, ҳеч ҳам ўз ихтиёрим билан уни ташлаб кетмаган бўлар эдим», деганлар.



# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ЧИРОЙ

Демак, Ватанни севиш, ундаги бор нарсаларни ардоқлаб, соғиниб яшаш инсоният фитратида мавжуд бўлган но-зик ҳис-туйғудир.

Зеро, Ватан, миллат, дин тушунчалари инсон учун ҳар нарсадан азиз ва муқаддасдир. Ватандошимиз аллома Алихонтўра Соғуний ҳазратларининг куйидаги сўзлари она Ватанини севган ҳар бир кишининг қалбида гайрат ва шижоат уйғотади:

**Ватанни дўст тутиш имондан эрмиш,  
Онинг чун ҳақ расулдин нақл бўлмиш.  
Ватанни севмаганлар биздан эрмас,  
Буни ким билмаса имонга кирмас.**

Халқнинг бошига оғир кун келганда ўз жонини сақлаш учун Ватанини ташлаб қочиш инсонийликка тўғри келмаслиги барчага маълум.

Бу борада Мирзо Бедил шундай де-га:

**Кимки ганимат деб ватандан кўчар,  
Бошқага ҳам кўнгил қўймай ўтар.**

**Учқун тошдан ажраб чиққанидан сўнг,  
Қанча ардоқлама, барибир ўчар.**

Халқимизда «Ўзга юртда шох бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл» деган ҳикматли сўз ҳам бежиз айтилмаган. Ўз хузур-ҳаловатини ўйлаб, ўзгаларни унутган киши ҳеч қачон она Ватанига, халқига нисбатан садоқатли бўлолмайди.

Донишмандлар айтадилар: «Кишининг вафодорлиги унинг ўз Ватани учун қайғуришидан, биродарларини соғинишидан ва умрининг зое кетказган лаҳзаларига ўқиниб яшашидан билинади».

Инсоннинг ўз халқига бўлган садоқати ва фидойилиги Ватанини ҳимоя қилиши, унинг тараққий-топиб, ҳар томонлама мустаҳкам ва қудратли бўлиши ҳамда халқининг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришига имконият даражасида ҳисса қўиши билан ўлчанади.

Ватан тўғрисида, истиқлол берган

## Мулоқот

имкониятлари имтиёзлар ҳақида гапирарверсак, гапимиз адо бўлмайди. Энди шу қутлуғ истиқлолни мустаҳкамлаш, уни боқий этиш барчамиз, хусусан, диндорларимиз олдида турган энг муҳим вазифадир. Аввало, элимизнинг имон-этиқоди бутунлиги, жамият маънавий поклиги истиқлолимиз боқийлиги гаровидир. Истиқлол руҳи, айниқса, ҳамжихатликни, аҳилликни тақозо этади. Шунинг учун ҳам бу борада биз — мўмин-мусулмонларнинг, шариат уламолари ва имом-хатибларнинг вазифалари улкан эканини айтиб ўтиш жоиздир.

Мустақиллик пойдеворини янада мустаҳкамлаш омилларидан бири — юртимизда тинчлик, осойишталикни барқарор этмоқликдир. Турли хилдаги эътиқодларни ўзларининг ғаразли мақсадларига асос қилиб олган баъзи оқим ва тоифалар юртимизга суқилиб кириб, айрим ёшларнинг онгига бузғунчилик ақидасини сингдириш ва тинч ҳаётимизни издан чиқаришга ҳаракат қилди. Шундай вазиятда биз дин аҳли, уламолар, имом-хатиблар уларнинг хатти-ҳаракатларига ўз вақтида барҳам берилишида ўз ҳиссамизни қўшдик. Дину диёнатиимизга кенг имкониятлар яратиб берилган бир пайтда бу каби тоифалар динга фақат зарар келтиради.

Халқимизни имон-этиқодга, дину диёнатга, адлу инсоф, меҳру оқибатга ва эл-юрт фаровонлиги йўлида ҳалол меҳнат қилишга даъват этиш, ҳукуватимиз олиб бораётган одилонга тинчлик сиёсатини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш бизнинг диний бурчимиз ва инсоний вазифамиз эканини чуқур англамоғимиз даркор.

Биз яна шуни мамнуният билан қайд этамизки, ҳукуватимизнинг ички ва ташқи фаолияти ҳамда иқтисодий ислохотлар бўйича кўраётган оқилонга чора-тадбирларидан барча мўмин-мусулмон аҳли бағоят хурсанддирлар.

Ҳақ субҳонаху ва таоло мустақил мамлакатимизнинг эрксевар халқларига фаровон турмуш, тинчлик, хотир-жамлик, бахт-саодат, тавфику рушду ҳидоят ато этсин.

**Сўхбатдош:  
Мирза Анвар КАРИМОВ**



Сариосиё туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида таълим тизимида меҳнат қилаётган кам таъминланган, ногирон, яқка-ёлғиз педагог ходимларнинг саломатликларини тиклашлари учун республикамиздаги дам олиш уйлари, санатория-профилакторийларга имтиёзли йўлланмалар берилади. Барча таълим муассасаларида тиббиёт хоналари ташкил этиш ҳамда уларни малакали мутахассислар ва зарур бўлган дори-дармонлар билан таъминланишига касаба уюшмалари томонидан имкон даражасида ҳомийлик кўрсатиляпти. Иккинчи жаҳон уруши, Чернобил АЭС ҳалокати қатнашчилари, шунингдек, байналмилалчи жангчиларни саломатлигини тиклаш мақсадида уларни турли сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланмалар орқали дам олдириш режалаштирилган. Республикаимизда кенг нишонланадиган умумхалқ байрамлари муносабати билан кам таъминланган кўп болали, ноги-



**Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар**

рон тармоқ ходимларига касаба уюшма томонидан моддий ёрдамлар уюштириш режалаштирилди ва ижроси таъминланмоқда. Тоғли ҳудудларда жойлашган таълим муассасалари ўқувчилари ва педагог ходимларни гигиеник маълумоти ва маданиятини оширишда ота-оналар роли кучайтирилди.

## 2006 йил - Ҳомийлар ва шифокорлар йили

**Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Республика Бош прокуратураси ҳамда Республика Болалар ижтимоий мослашуви маркази билан ҳамкорликда етим ва ота-оналар қарамоғисиз қолган болалар ҳуқуқларининг ҳимоясига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқ-тартибот органлари, васийлик ва ҳомийлик ташкилотлари, Меҳрибонлик уйлари вакиллари, ўқитувчилар иштирок этди.**

# ҲАР БИР ФАРЗАНДА - ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда Президент Ислон Каримов ташаббуси билан қабул қилинган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг изчиллик билан амалга ошириляётгани янги таълим амаллари барпо этиш, мавжудларини қайта таъмирлаш, замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, таълим сифатини ошириш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш имконини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Айни пайтда юртимиздаги мавжуд салкам ўн мингта яқин мактабда олти ярим миллион нафар ўғил-қиз таълим олмоқда. Шу билан бирга мавжуд барча меҳрибонлик уйлари, ихтисослашган махсус мактаб-интернатлар, санаторий тоифасидаги таълим муассасаларида ота-она меҳридан бебаҳра, тиббий кўмакка муҳтож болалар тахсил оляпти. Соҳада кечаётган ислохотлар жараёнида айнан эҳтиёжманд ўқувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишга катта аҳамият қаратиляпти. Юртимизда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига йўналтирилган қатор ижтимоий дастурлар изчил-

лик билан амалга ошириляётир. Жумладан, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш баробарида асосий эътибор уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий мослашувига қаратилиб, давлат идоралари, вазирликлар, мутасадди ташкилотлар ва кенг жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланмоқда.

Ота-она қаровисиз қолган болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш муаммолари билан «Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси фаол шуғулланмоқда. Мазур жамғарманинг мутасадди ташкилотлар билан яқин ҳамкорлиги натижасида ана шундай тоифа болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини кучайтириш имкони тобора кенгаймоқда.

Уч кун давом этган семинарда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни ҳуқуқий ҳимоялаш чораларини янада такомиллаштириш, тегишли ташкилотлар ва жамоатчилик ўртасида бу борадаги ҳамкорликни кучайтиришга оид маърузалар тингланиб, машғулотлар ўтказилди.

(ЎЗА)

## ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗДА

**Юртимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга меҳр-муруват кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида ҳам бу борада ибратли ишлар қилинмоқда.**

Шаҳарда қирқ беш нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, беш юздан ортиқ меҳнат жабҳасида матонат кўрсатган фахрийлар истиқомат қилади. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш бошқармалари уларни сиҳатгоҳларида саломатлигини тиклаш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, турар-жойларини таъмирлаб бериш чораларини кўрмоқда.

Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси ва ҳомийлигида барча уруш ва меҳнат фахрийлари ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, Зангиота мажмуаларини зиёрат қилиб қайтишди.

**Бу саволга жавоб бериш осон эмас. Текширишлар ва таҳлиллар жараёнида аниқланган далилларни баён қилиш баробарида бундай ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари ҳусусида кенгрок мулоҳаза юритиш керак, шекилли. Чунки ҳар бир киши меҳнат фаолияти мобайнида мазкур масалаларга албатта бевосита дуч келади. Давлатимиз меҳнатқашлар манфаатини кўзлаб ижтимоий имтиёзлар, ижтимоий тўловлар жорий қилган. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси худди ана шу мақсадга, ижтимоий таъминот тизимида давлат қафолатларини амалга оширишга хизмат қилади. Ушбу жамғарма фаолиятининг мақсади, вазифалари, маблағларнинг сарфланиш доираси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги қарори билан тасдиқланган низомда қатъий белгилаб қўйилган.**

Мазкур Низомнинг 33-банди б-қисмида жамғарма маблағлари қайси мақсадларга сарфланиши, 38-бандида эса бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланиши қайд этилган. Давлатимиз ишлаб чиқарувчиларга, тадбиркорларга катта имтиёз ва ҳуқуқлар, кенг эркинликлар бермоқда. Бунга жавобан ҳар бир фуқаро ўзига-ўзи «Мен Ватан учун нима қилдим, элимга нима бердим?» деган саволни бериши керак. Афсуски, айрим кишилар ўта ҳаддидан ошиб, бошқаларнинг, ҳатто ижтимоий ҳимояга муҳтожларнинг ҳақиқа чанг солишмоқда. Натижада ижтимоий тўлов тариқасидаги нафақа пуллари эгасига етиб бормаяпти ёки бошқа йўналишда сарфлаб юборилапти.

Юқорида айтганимиздек, белгилаб қўйилганки, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари барча турдаги ижтимоий пенсиялар, шу жумладан, ишлайдиган пенсионерларга пенсиялар, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, бола туғилганда бериладиган нафақалар (суюнчи пули), дафн маросими нафақаларини тўлашга сарфланади. Мана шу жараёнда қонунийликни таъминлаш корхона, хўжалик раҳбарлари ва бухгалтерларига, ижтимоий таъминот бўлимларига юклатилган. Берилган ваколат масъулиятини унутиш, ҳуқуқ ва имтиёзларни суистеъмол қилиш ҳар хил қонунбузарликлар содир этилишига имкон яратади. Шунинг оқибатида Оқдарё ва Иштихон туманларида пенсия жамғармаси маблағларини ўзлаштириш ва мақсадсиз сарфлашга йўл қўйилган.

Оқдарё туманидаги «Шавкат-хўжа Муллақўрғон» фермер хўжалиги аъзоси З.Бобоевага 132,3 минг сўм ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳисобланган.

Буни тасдиқлайдиган бирламчи ҳужжатлар мавжуд. Бироқ фермер хўжалиги томонидан туман ижтимоий таъминот бўлимига

сий корхоналарига, «Зирикота», «Саховат» фермер хўжаликлари га жами 6 миллион 321,9 минг сўм маблағ ажратиб берилган. Кейинчалик бу пуллар нафақа тарзида ходимларга берилмай, бошқа мақсадларга сарфланган. Масалан, корхона ходими фарзандининг ўқиши учун тўловга, ходимнинг уй-жой кредитини қоплашга йўналтирилган. Кўп ҳолларда бу маблағ ҳисобига озиқ-овқат, хўжалик моллари олинган.

Ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан Иштихон туманидаги «Умарова Рафоат», «Файрат-1», «Нодирбек-99», «А.Садриддинов», «А.Кўчқоров», «Мусо-96», «А.Эшматов», «Қорасув»

кўрсатилган фермер хўжаликлари га ходимларнинг бир ойлик ўртача иш ҳақи 37,5 минг сўмга, Иштихон туманидаги «Қаноат бобо», «Абдусамат бобо» фермер хўжаликларида 62,2 минг сўмга тўғри келади. Ҳақиқатда ундай эмас. Оқдарё туманидаги «Шавкатхўжа Муллақўрғон» фермер хўжалиги ходими З.Бобоевага ҳақиқий иш ҳақи ҳисобидан 132,3 минг сўм туғруқ нафақаси ҳисобланган. Лекин ижтимоий таъминот бўлимига 902,9 минг сўмлик талабнома топширилган. Иштихондаги «Қаноат бобо» фермер хўжалигида касаллик варақаси бўйича нафақа олган ходимларнинг иш ҳақи 45 минг сўм ҳисобланган.

Буни нима билан изоҳлаш мумкин?

Хўжалик аъзоларига қанақа миқдорда иш ҳақи белгилаш фермернинг ихтиёридадир. Лекин гап бошқа томонда. Биринчидан, аксарият фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳужжатлари пала-партиш юритилади. Иш ҳақларини ҳисоблаш бош китоби, буйруқлар дафтари мавжуд эмас. Иш ҳақларини, нафақаларни, мукофотларни тарқатиш ведомостлари йўқ. Касаллик варақалари рўйхатга олинмайди. Айрим касаллик варақаларида ходимнинг иш жойи, лавозими кўрсатилмаган, тўланадиган нафақа миқдори ҳисоблаб чиқилмаган ва ёзиб қўйилмаган. Баъзи касаллик варақаларига ёзувлар бир неча хил дастхат билан киритилган. Яна бир гап. Тиббиёт муассасаларида беморни қабул қилиш, касаллик тарихини ёзиш ва касаллик варақасини расмийлаштиришда ўта масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда. Яъни касаллик варақасининг «иш жойи» деган банди бўш қолдирилаяпти. Бу келгусидаги сохта ёзувга асос дегани. Иккинчидан, фермер хўжаликларида бухгалтер лавозимига ходимлардан бири расмийлаштирилади-ю ҳисоб-китоб ишларини амалда бошқа киши бажаради. Шунинг учун бухгалтерия ҳужжатлари тўплами тўлиқ эмас. Учунчидан, банкдан олинган кредит маблағлари фоизларини тўлашдан қочиб, айрим фермерлар ижтимоий нафақа пулларида фойдаланишга уринаётган бўлса, ажаб эмас.

Аниқланган ҳолатларга асосан айрим фермерлар ишлаб чиқаришни, ноқонуний воситалар ёрдамида ривожлантиришни маъқул, деб ўйлашади, шекилли. Фирром иш қачондир барибир ташвиш келтиришини улар унутиб қўйишган. Фикримизча, бундай қонунбузарликлар норасмий бухгалтерларнинг қилмишидир. Негаки улар бу ишлардан манфаатдор бўлишади-ю, ҳужжатларга имзо чекмаганлиги сабабли жавобгарликка тортилмайдилар. Фермерлар эса бухгалтерия иш юритувидан кўп ҳам хабардор эмас. Буларнинг ҳаммаси мазкур соҳада жиддий муаммолар борлигини ва уларнинг ечимига қонуний асос яратиш зарурлигини кўрсатади.

**М.НАЗАРОВ,**  
Самарқанд вилоят ДСБ  
бўлими бошлиғи

## ЭГАСИГА ЕТМАГАН НАФАҚА

### сохтакорлик ва қинғирликдан мақсад нима эди?

902,9 минг сўмга талабнома берилган. Ажабланирлиси шундаки, барча белгиланган тартиб-қоидалардан кўз юмиб, ижтимоий таъминот бўлими ушбу маблағни фермер хўжалиги ҳисобига кўчириб берган. Холбуки, фирромлик ва сохтакорлик яққол кўриниб турарди. Нега дейсизми? Бундай катта миқдорда ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси оладиган ходимнинг бир ойлик иш ҳақи тахминан 225 минг сўмдан зиёд бўлиши керак. Фермер хўжалигининг махсус ҳисоб рақамига туширилган ушбу маблағ нақд пул сифатида олинмаган. Балки минерал ўғит, ёқилги-мойлаш материаллари олиш, техника хизмати ва банк хизмати тўловлари учун сарфлаб юборилган.

Туман ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг ўз хизмат вазифаларига ўта совуққонлик билан қарашлари оқибатида ижтимоий нафақа тўлаш учун бирламчи ҳужжатлар бўлмаса-да, «Омад А», «ХМЗ Оқдарё», «Ихтиёржон гўшт таъминоти» хусу-

фермер хўжаликларининг мутасаддилари жами 8 миллион 211,7 минг сўмлик ижтимоий нафақа пуллари бошқа мақсадларга сарфлаб юборишган. «Қорасув» фермер хўжалиги раҳбари Ф.Номозов эса ноқонуний олинган ижтимоий тўлов маблағининг 1219,6 минг сўмини шахсий жамғармасига ўтказиб қўйган. Хуллас, қисқа муқддатли текширишларда Иштихон туманидаги 22 та, Оқдарё туманидаги 17 хўжалик юритувчи субъектларда ана шундай қонунбузарликлар аниқланди.

Қинғир тадбиркорлар ва мутасаддилар ижтимоий тўлов маблағларини ўзлаштириш учун ўйлаб топган яна бир усул ходимларнинг иш ҳақларини ошириб кўрсатишдир. Оқдарё туманидаги «Анхел Оқдарё», «Ўрадин Жавлон», «Бобур оқ чашмаси», Иштихон туманидаги «Абдусамат бобо», «Қаноат бобо» фермер хўжаликларида ана шундай йўл тутилган. Таҳлил қилиб кўрилганда, масалан, Оқдарё туманидаги юқорида



Лекин олинган нафақа миқдори га кўра бир ойлик иш ҳақи тахминан 94 минг сўмга тўғри келади. Иш ҳақлари 45000 сўм кўрсатилгани ҳолда «Қаноат бобо» фермер хўжалигида Р.Тўрақуловага 375000 сўм, М.Бахромовага 378000 сўм, Н.Эгамбердиевага 375000 сўм нафақа ҳисобланган. Шу хўжалик аъзоси М.Тоғаева (Астона)нинг иш ҳақи бир ўринда сентябр-октябр ойи учун 84985 сўм, бошқа жойда сентябр учун 24101 сўм кўрсатилган ва унга жами 175657 сўм нафақа тўлашиб, 75236 сўм ўзлаштирилган. О.Файрова, У.Тоғаеваларга нафақа 15269 сўм ойлик иш ҳақи ҳисобидан белгиланиб, ҳақиқатда 5-7 минг сўмдан кам тўланган. Бундан коса тагидаги нимкосани илгаш қийин эмас.

Шунингдек, бола туғилганда бериладиган нафақа (суюнчи) пули энг кам иш ҳақининг икки баровари миқдоридан белгиланган. Мазкур хўжаликда эса олти ходимга негадир 10800-13060 сўмдан суюнчи пули берилган.

Аммо иккинчи бўлим барча режаларни кунпоякун қилди. Майдон эгалари жавобсиз уч тўп киритиб, ҳисобни 4:2 га етказишга, умумий натижада устунликни таъминлаб, финалга йўл олишга муваффақ бўлдилар.

Дарвоқе, «Мидлсбро» чорак финалда ҳам шунга ўхшаб матонат кўрсатган эди. Ушунда Швейцарияда бўлган ўйинда 0:2 ҳисобида мағлубиятга учраган жамоа ўз майдонида керакли натижани қўлга киритганди.

### КАДРОНЛИК ЎЗ ЙЎЛИГА

«Сиена» жамоаси Италияда ўртаҳол клублардан саналди. Балки шунинг учунми «Ювентус» билан яқин муносабатда. Ўзаро ҳамкорликнинг асосий оғирлиги ҳам «Ювентус» зиммасига тушади.

Буни қарангки, чемпионат яқунланиши арафасида ушбу жамоалар учрашадиган бўлиб туришибди. Қайси клуб галаба қозонади?

— Чиндан ҳам «Юве» билан муноса-

батимиз жуда яхши, — деди «Сиена» клуби президенти Паоло Де Лука. — Лекин бу дегани ютказиб берамиз дегани эмас. Уч очко «Ювентус»ни чемпионликка яқинлаштирса, бизни хавфли зонадан халос этади. Бинобарин ҳеч ким ютказишни хохламайди.

### Хоккей

#### УНВОН МУДДАТИДАН

#### АВВАЛ ТОПШИРИЛАДИМИ?

Миллий хоккей лигасида плей-офф учрашувлари қизгин паллага кирди. «Детройт Ред Уингз» ва «Эдмонтон Ойлерз» ҳамда «Анахайм Майти Дакс» ва «Калгари Флеймз» клублари ўртасидаги баҳс ҳозирча дуранг бўлиб турибди.

Аммо «Оттава Сенаторз» ва «Сан-Хосе Шаркс» жамоалари ҳар бири уч мартадан зафар қучиб, умумий ҳисобда навбатдаги тўрт чиқишга яқин туришибди.

Шарқий конференция карвонбошчиси сифатида ушбу гуруҳда саккизинчи ўринни эгаллаган «Тампа-Бэй Лайтнинг» клубига қарши шайба су-

раётган «Оттава» ўз юмушини ҳадемай удаллашига ҳозирданоқ ҳеч кимда шубҳа қолмади. Чунки канадаликлар тўртинчи учрашувни ўз майдонларида ўтказадилар. Агар шундай ҳол юз берса, Стэнли кубогининг амалдаги чемпиони бўлган «Тампа-Бэй Лайтнинг» унвон билан муддатидан аввал хайрлашишига тўғри келади.

#### Чим устида хоккей

#### КАТОРАСИГА

#### ИККИ МАҒЛУБИЯТ

Жаҳон чемпионати саралаш турнирида қатнашаётган жамоалар иккинчи тур ўйинларини ўтказдилар. Хусусан «В» гуруҳида куйидаги натижалар қайд этилди: Янги Зеландия-АҚШ — 0:1, Корея-Ирландия — 0:0, Озарбайжон-Италия — 0:1.

Жамоаларнинг турнир жадвалидаги жойлашуви: 1.Корея — 4 очко; 2.АҚШ — 4 очко; 3.Янги Зеландия — 3 очко; 4.Италия — 3 очко; 5.Ирландия — 2 очко; 6.Озарбайжон — 0 очко.

Икки учрашувда ҳам мағлубиятга учраган Озарбайжон қизлари аҳволни ўнглаб олишни истасалар, АҚШ, Корея ва Ирландия жамоалари билан бўладиган баҳсларда галабага эришиш учун астойдил ҳаракат қилишлари лозим бўлади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди



### Спорт оламида

#### Футбол МЎҶИЗАЛАР ҲАМ БЎЛИБ ТУРАДИ

Албатта, ҳар бир жамоа майдонида улоқни бегона қилмасликка ҳаракат қилади. УЕФА кубогининг ярим финали жавоб учрашувига 0:1 ҳисобидаги мағлубият билан етиб келган Англиянинг «Мидлсбро» клуби ўртадаги фарқни йўққа чиқариш учун астойдил ҳаракат қилиши одадий ҳол бўлишига қарамай, ўйин бошиданок вазият бутунлай тескари тус олди.

Аввал Дикс дарвозабондан қайтган тўпни тўрага жойлаб қўйиб, «Стяпа» ни олдинга олиб чиққан бўлса, сўнгра Гоян ҳисобни 0:2 га етказиб, Руминия муҳлисларини ҳали учрашувнинг учдан бир қисми тугамай, байрамга чорлаб юборди. Ҳатто биринчи тайм 1:2 ҳисобида яқун топганига қарамай «Мидлсбро»нинг имконияти деярли йўқ даражада эди.



# «ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҚАРШИ СИДА ЕТТИ КУН



**ДУШАНБА, 1**

**О'ЗBEKISTON**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00-8.45 «Тахлилнома».  
8.40 Олтин мерос.  
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Ёг босиб ҳақда».  
9.40 «Камалак» экран.  
10.35 Д. Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.  
10.55 «Сизнинг адвокатингиз».  
11.00 «Ахборот».  
11.15 «Омон бўлинг!»  
11.20 «Қишлоқ ҳаёти».  
11.40 Ҳ. Умарбеков. «Фотима ва Зухра». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусикий театрининг спектакли. 1-қисм.  
13.00 «Фотима ва Зухра» спектакли. 2-қисм.  
13.55 Эски альбом.  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Олтин бешик».  
14.50 «Ойдан тушган малика». Бадий фильм.  
16.40 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 Олтин мерос.  
17.20 «Равнак» студияси намойиш этади.  
17.35 «O'zbektelefilm» намойиши: «Шахри-саба».  
17.50 «Дил таронаси».  
17.55 «Умр дафтари». Ҳожихон Болтаев. 1-қисм.  
18.20 Чўлпон: «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 1-қисм.  
18.50 «Оҳанглар оғушида».  
19.00 «Азла ўйинчи». Телелотерей.  
19.20 Биржа ва банк хабарлари.  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.05 «Омон бўлинг!»  
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал премьераси.  
21.00 «Ахборот».  
21.40 Эркин мавзу.  
22.00 «Мари Лестер». Телесериал.  
23.05 «Олам ва одам» дастури: «Ғойиб бўлган кема сирин».

**YOSHLAR**

16.00 Давр.  
16.15 Болажон.  
16.25 Ёшлар овози.  
16.40 Наво.  
16.55 Чемпион сирлари.  
17.20 «Такдири азал». Бадий фильм.  
18.25 Замондош.  
18.40 Мусикий лаҳзалар.  
18.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.40 Театрда учрашамиз.  
20.00 Баҳор навалари.  
20.10 Ракурс.  
20.30 Олов билан юзма-юз.  
20.50 Олий лига кундалиги.  
21.15 UzEX хабарлари (ўзбек ва инглиз тилларида)  
21.35 Ёшлар куйлаганда.  
21.55 Иқлим.  
22.00 Давр.  
22.35 Мусикий лаҳза.  
22.40 UzEX хабарлари (рус тилида)  
22.50 Интерфутбол.

**TOSHKENT**

18.10 Программа передач.  
18.20, 21.15 «Экспресс».  
18.30 «Пойтахт» /рус /.  
18.55 «Экран детям».  
19.10 «Бир жуфт ақил».  
19.15 «Табриклаймиз-кутлаймиз».  
19.45 «Будьте здоровы».  
20.00 «Пойтахт».  
20.25 «Камила». Телесериал.  
20.45, 21.50 «Телекурьер маркет».  
20.55 «ТВ юрист».  
21.00 «Окшом навалари».  
21.25 «Журналист тахлили».  
22.00 «Москва слезам не верит». Художественный фильм. 1-серия. /рус /.  
23.00-23.05 «Спокойной ночи, мой город!»

**SPORT-TV**

7.00 «Бодрое утро».  
8.00 «Версия». Информационно-аналитическая программа.  
8.30 «Шоввозлар». Мультисериал.  
9.00 «Талкин». Информационно-аналитическая программа.  
9.30 «Талисман». Сериал.  
10.10-11.30 «Дети шпионов». Фильм для детей. 1-часть.  
18.00 «Детский спорт».  
18.15 Мультфильм.  
18.30 «Хабарлар» (На русском языке)

18.50 «Кто на что горазд?»  
19.15 «В поисках приключений».  
20.00 «Вести».  
20.15 «Мониторинг».  
20.35 «Королевы спорта».  
20.55 «Футбольное обозрение».  
21.15 «Тет-а-тет».  
21.30 «Хабарлар».  
21.50 «Два судьбы». Сериал.  
22.40 «ПроФ-РИНГ».  
23.30 «Еврофутбол».  
1.00 «Спокойной ночи!»

**30-Й КАНАЛ**

17.00 «Болалар соати»  
17.40 «Мусикий лаҳзалар»  
18.00 «Кассандра», сериал  
18.45 «Самарқанд СТВ такдим этади «Мозий-дан садо»  
19.00 «Ошикона».  
19.45 «Телехамкор» - фойдали газета  
20.00 «Мусикий табассум» музыкальная передача  
21.00 «София, менга имком бер», сериал  
21.40 «Телехамкор» фойдали газета  
21.50 «Мусикий табассум» музыкальная передача  
22.25 «НТТ иқтисодий лойиҳалари»  
22.30 «Кашкирлар макони», сериал  
23.10 «Эстрада оҳанглари»

**ПЕРВЫЙ**

5.00, 9.00, 11.00, 17.00 Новости  
5.10 Нарисованное кино. «Король и птица»  
6.30 Комедия «Стежки-дорожки»  
7.50 «Играй, гармонь любимая!»  
9.10 Фильм «Лесная царевна»  
11.10 Василий Шукшин в фильме «Калина красная»  
13.20 «Фестиваль юмора»  
15.20 Фильм «Джордж из джунглей»  
17.10 «Золотой граммофон»  
20.00 Время  
20.20 Бен Стиллер в комедии «Убойная парочка: Старски и Хатч»  
22.10 Фильм «Команданте»  
24.00 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира. Шейн Мосли - Фернандо Варгас  
01.00 Лейтенант Коломбо в детективе «Большие маневры»  
02.40 Сериал «Битва за галактику»  
03.30 «Роман со звездой». Док. фильм

**РОССИЯ**

4.55 Фильм «Город мастеров».  
6.30 «Волшебное кольцо». Мультфильм.  
6.50 «Комната смеха».  
7.40 Юбилейный концерт Олега Иванова.  
9.10 Фильм «Высота».  
11.05 «Смеяться разрешается».  
13.00, 16.00 Вести.  
13.20 Комедия Владимира Меньшова «Шарли-мырли».  
16.15 «Лучшие песни - 2005».  
19.15 Юбилейный вечер Евгения Петросяна «60 лет в обед».  
22.40 Фильм «Упасть вверх».  
00.40 Сильвестр Сталлоне в боевике «Ангел мести»  
02.45 Фильм Гаса Ван Сента «Даже де-вушки-кэббл иногда грустят»

**ТВ-3**

7.30 Победоносный голос верующего.  
8.00, 8.30 Русские мультфильмы.  
9.00 Мультисериал «Сабрина - маленькая ведьма». 65-я серия.  
9.30 Мультисериал «Люди икс».  
10.00 X/ф «Семья робинзонов». 1-я серия. США, 2002.  
12.00 X/ф «Семья робинзонов». 2-я серия. США, 2002.  
14.00 «Осторожно, модерни!» 56-я серия.  
14.30 Русские мультфильмы.  
15.00 X/ф «Серебряный волк». США, 1998.  
17.00 X/ф «Самурай». Франция - германия, 2002.  
19.00 Сериал «Третья смена». 110-я серия.  
20.00 X/ф «Робин Гуд - принц воров». США, 1991.  
23.00 X/ф «Правосудие одиночки». США, 1991.  
1.00 X/ф «Клеопатра». Великобритания, 1999.  
4.00 Сериал «Третья смена». 110-я серия.

**СТС**

7.00 «ДЕТИ ДЮНЫ». Части 5-я и 6-я. Художественный фильм.  
8.35 «Наш друг Пишичитай». Выпуск 3-й. Мультимедийный фильм.  
8.50 «Биби Блоксберг». Многосерийный мультимедийный фильм.  
9.20 «Смешарики». Многосерийный

мультимедийный фильм.  
9.30 «Флиппер и Лопак». Многосерийный мультимедийный фильм.  
10.00 «Аладдин». Многосерийный мультимедийный фильм (3 серии).  
11.30 Кино на СТС. «ВВЕРХ, ВВЕРХ, ПОД ОБЛАКА!»  
13.10 Кино на СТС. «ДОРОГА ДОМОЙ. НЕВЕРоятное путешествие».  
15.05 Кино на СТС. «ДОРОГА ДОМОЙ-2. ПОТЕРЯННЫЕ В САН-ФРАНСИСКО».  
17.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.  
17.30 Кино на СТС. «ДЮПЛЕКС».  
19.20 Кино на СТС. «ДОСПЕХИ БОГА-2. ОПЕРАЦИЯ «КОНДОР»».  
21.25 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
22.00 Кино на СТС. «СМОТРИТЕ, КТО ЗАГОВОРИЛ-2».  
23.40 «Хорошие шутки». Шоу-программа.  
1.40 Кино на СТС. «ФАВОРИТ».  
4.20 Кино на СТС. «ЗВЕРИНАЯ НАТУРА».  
5.55 Музыка на СТС.

**НТВ**

5.00 Мультфильмы  
5.15 Комедия «Весна»  
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня»  
7.15 Рэвел Уэлч в фильме «Миллион лет до нашей эры»  
9.15 Чарльз Бронсон в боевике «Великолепная семерка»  
12.20 Профессия - репортер  
12.45 «WORLD MUSIC AWARDS - 2005».  
15.20 Фильм Эльдара Рязанова «Вокзал на двоих»  
18.35 Анжелика Джолли в фильме «Лара Крофт - расхитительница гробниц-2»  
20.55 «Темная ночь»  
23.00 Шерлин Фенн в фильме «Слияние двух лун»  
01.05 Джин Хакман в боевике «Мишень»  
03.10 Джейн Фонда в фильме «На следующее утро»

**REN-TV**

8.15 «Дикая планета»: «Вечная Темза». Документальный фильм (Англия).  
9.15 «Дуг». Мультимедийный сериал (США).  
9.40 «Jetix» на REN TV: «Близняшки-плетеряшки». Мультимедийный сериал (США).  
10.05 «Геркулес». Мультимедийный сериал (США).  
10.30 «Очевидец» с Сергеем Ростом.  
11.30 «Час суда» с Павлом Астаховым. Избранное.  
15.40 «Унесенные призраками». Мультимедийный фильм (Япония).  
17.45 «После нас хоть потоп». Концерт М. Задорнова.  
21.00 «Кино»: Пьер Ришар в романтической комедии «БЛИЗНЕЦ» (Франция).  
23.30 «Кино»: Ольгерд Лукашевич, Ежи Штур, Беата Тышкевич в фантастической комедии «СЕКС-МИССИЯ» (Польша).  
2.20 Проект «Отражение»: «По обе стороны победы». Документальный фильм REN TV. 1-я серия.  
3.25 «Кино»: Патрик Суэйзи и Мелани Гриффит в романтической комедии «ЛУЛУ НАВСЕГДА» (США - Германия).  
5.15 Ночной музыкальный канал.

**СЕШАНБА, 2**

**О'ЗBEKISTON**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
8.00 «Ахборот».  
8.40 Олтин мерос.  
8.50 «Олам ва одам» дастури: «Ғойиб бўлган кема сирин».  
9.40 1. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.  
2. «Тоғлик».

10.55 Биржа ва банк хабарлари.  
11.00 «Ахборот».  
11.15 «Омон бўлинг!»  
11.20 «Ишқ эртаги».  
11.55 Олтин мерос.  
12.05 «Шафтоли».  
12.15 «Агар Сиз.»  
12.35 «Одами эрсанг.»  
13.00 «Мари Лестер».  
13.50 «Зиллол». Фольклор кўшиқлар.  
14.00 «Ахборот».  
14.20 «Шахсий фикр».  
14.55 «Жавоҳир».  
15.00 «Ахборот».  
15.15 «Севишганлар». Бадий фильм.  
16.35 «Эртақлар - яхшиликка етаклар».  
17.00 «Ахборот».  
17.15 Эски альбом.  
17.20 «Рангин дунё».  
17.40 «Фарз ва қарз».  
18.00 «Умр дафтари». Ҳожихон Болтаев.  
18.30 «Оҳанглар оғушида».  
18.40 Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм.  
19.10 «Банк ва мижоз».  
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».  
19.30 «Ахборот» (рус тилида)  
20.05 «Омон бўлинг!»  
20.10 «Ишқ эртаги». Телесериал.  
21.00 «Ахборот».  
21.40 Хотира ва кадрлаш куни олдидан. «Сиз соғинган кўшиқлар».  
22.00 «Мари Лестер». Телесериал.

23.05 «Олам ва одам» дастури: «Фобия».

**YOSHLAR**

6.30 «ЯНГИ ТОНГ».  
8.00 Давринг боласи.  
8.10 Расмлар сўзлаганда.  
8.15 Полапон.  
8.30 Жаҳон жуғрофияси.  
8.40 «Букрининг сирин». Мультфильм.  
9.45 Жаҳон жуғрофияси.  
10.00 Давр.  
10.10 Олий лига кундалиги.  
10.30 Яқшанба нонуштаси.  
11.05 «Босиз чавандоз». Бадий фильм.  
12.40 Ракурс.  
13.00 Давр.  
13.15 «Такдир».  
14.00 «ЯНГИ КУН».  
15.00 «YOSHLAR» фототанлови.  
15.05 «Даллас».  
15.50 Енимдаги бахт.  
16.00 Давр.  
16.15 Театрда учрашамиз.  
16.35 Эврика.  
16.45 Давринг боласи.  
16.55 Болалар табассуми.  
17.00 ТВ - дорихона.  
17.10 Азиз неъмат.  
17.20 Ёшлар овози.  
17.40 CINEMA BOLLIVUD.  
17.55 «Мерлин». Бадий фильм 1-қисм.  
18.45 Мусикий лаҳзалар.  
18.55 Иқлим.  
19.00 Давр.  
19.40 Оғоҳлик - давр талаби.  
20.00 «JOKER» телелотерейаси.  
20.10 Автопатруль.  
20.30 Баҳор навалари.  
20.55 «Ҳақиқат».  
21.55 Иқлим.  
22.00 Давр.  
22.35 Мусикий лаҳзалар.  
22.45 «Болик изтироби». Бадий фильм 1-қисм.

**TOSHKENT**

18.10 Программa передач.  
18.20, 21.15 Телегазета «Экспресс».  
18.30 «Пойтахт» /рус /.  
18.50, 20.20, 22.05 «ТВ анонс».  
18.55 «Экран детям».  
19.10 «ТВ юрист».  
19.15 «Табриклаймиз-кутлаймиз».  
19.45 «Истеъмолчи минбари».  
20.00 «Пойтахт».  
20.25 «Камила». Телесериал.  
20.45, 22.10 «Телекурьер маркет».  
20.55 «ТВ юрист».  
21.00 «Окшом навалари».  
21.25 «Будьте счастливы».  
22.20 «Москва слезам не верит». Художественный фильм. 2-серия. /рус /.

**SPORT-TV**

7.00 «Бодрое утро».  
8.00 «Хабарлар» (На русском языке)  
8.20 «Шоввозлар». Мультисериал.  
8.45 «Спорт-клуб».  
9.00 «Хабарлар».  
9.20 «Талисман». Сериал.  
10.00-11.45 «Дети шпионов». Фильм для детей. 2-часть.  
18.00 «Детский спорт».  
18.30 «Хабарлар» (На русском языке)  
18.50 «Жди меня».  
20.00 «Вести».  
20.20 «Футбол плюс».  
21.10 «Мастера единоборств».  
21.30 «Хабарлар».  
21.50 «Два судьбы». Сериал.  
22.40 Кикбоксинг. Чемпионат мира.  
23.20 «Еврофутбол».  
00.55 «Спокойной ночи!»

**30-Й КАНАЛ**

12.00 Открытие программы  
12.05 «Теле-хамкор»  
12.25 «Детский час»  
12.50 «Солдаты»  
13.40 «Мусикий табассум»  
14.00 «В поисках воды», мультфильм  
15.30 «Ошикона»  
16.15 «Айлар орзуси» повтор передачи  
16.45 «Теле-хамкор»  
17.00 «Болалар соати»  
17.40 «Мусикий лаҳзалар»  
18.00 «Кассандра»  
18.40 «Истиклол ТВ», такдим этади «Уйғок кунгиллар»  
18.50 «Сенги навалари»  
19.00 «Ошикона»  
19.45 «Теле-хамкор», фойдали газета  
20.00 «Мусикий табассум»  
21.00 «София, менга имком бер», сериал  
21.40 «Мусикий табассум»  
22.15 «НТТ иқтисодий лойиҳалари»  
22.20 «Кашкирлар макони», сериал  
23.00 «Мусикий лаҳзалар»  
23.10 «Биз билган ва билимаган дунё»

**ПЕРВЫЙ**

5.00 Телеканал «Доброе утро»  
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 22.40, 02.00, 04.00 Новости  
8.05 «Убойная сила».  
9.20 «Детектив».  
9.50 «Малахов + Малахов»  
11.10 «Веревка из песка». Сериал  
12.30 Фильм «Охота на Единорога»  
14.10 «Лолита. Без комплексов»  
15.00 «Талисман»  
16.00 «Федеральный судья»  
17.10 «Львиная жизнь. Мари Поггвэн»  
17.40 «Любовь как любовь». Сериал

18.50 Жди меня  
20.00 Время  
20.30 «Под ливнем пуль». Сериал  
21.30 «Продавцы чудес»  
23.00 Теория невероятности. «Дети на заказ»  
23.50 «Гении и злодеи». «Марк Твен. Атакующий ангел»  
00.20 Триллер «Сновидения»  
01.50, 02.05 Триллер «11:14».  
03.10 Новые чудеса света. «Нейпир - город потерянного времени»  
03.40, 04.05 «Бизнес на родах». Док. фильм

**РОССИЯ**

4.00 «Доброе утро, Россия!».  
7.35 «Будьте моим мужем».  
9.15 «Последняя гастроль Дюко Дассена».  
10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Вести.  
10.30, 13.20, 15.40, 19.30, 22.00 Местное время. Вести-Москва.  
10.50 «Комната смеха».  
11.45 «Частная жизнь».  
12.45, 15.25, 23.15, 03.45 Вести. Дежурная часть.  
13.40 Фильм «Золотое дно».  
16.15 «Смехотерапия Евгения Петросяна».  
16.50 «Обреченная стать звездой».  
17.45 «Волчица».  
18.45 Вести. Подробности.  
19.50 «Спокойной ночи, малыши!».  
20.00 Сериал «Тайны следствия-5».  
20.55 Сериал «Мужчины не плачут-2».  
22.20 «Джурналист по стране».  
23.35 «Честный детектив».  
00.05 «Снимания».  
00.40 «Дорожный патруль».  
00.55 Арманд Ассанте в фильме «В ожидании экза»  
02.30 Канал «Евроноос»

**ТВ-3**

7.30 Победоносный голос верующего.  
8.00, 8.30 Русские мультфильмы.  
9.00 Мультисериал «Секреты Сабрины». 1-я серия.  
14.00 Х/ф «Семнадцать мгновений весны». 3-я серия. Россия, 1973.  
15.30 Х/ф «Семнадцать мгновений весны». 4-я серия. Россия, 1973.  
17.00 курьер.  
17.30 Х/ф «Пришелец из бездны». США, 1996.  
19.00 «Осторожно, модерни!» 59-я серия.  
19.30 «Осторожно, модерни!» 60-я серия.  
20.00 Х/ф «Против хищника». США, 2004.  
22.00 Х/ф «Исполнитель желаний-3». США - Канада, 2001.  
0.00 Х/ф «Исполнитель желаний-4».  
2.00 Х/ф «Убийца с топором». США, 2003.  
4.00 Сериал «Мутанты икс». 10-я серия.

## СТС

7.00 «МОЯ ДЕВОЧКА-2». Художественный фильм.  
8.50 «Биби Блоксберг». Многосерийный мультипликационный фильм.  
9.20 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.  
9.30 «Флиппер и Лопака». Многосерийный мультипликационный фильм.  
10.00 Лучшие программы «Улицы Сезам».  
10.30 «Гаджет и гаджетны». Многосерийный мультипликационный фильм.  
11.00 «Винни-Пух и день забот». Многосерийный мультипликационный фильм.  
11.30 «Принцесса-лебедь. Тайна заколдованного королевства». Полнометражный мультипликационный фильм.  
13.00 «Самый умный». Телеигра Полуфинал.  
15.00 «ГЕРКУЛЕС». Полнометражный мультипликационный фильм.  
17.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.  
17.30 Кино на СТС. «ТРИ МУШКЕТЕРА».  
19.45 Кино на СТС. «СТЮАРТ ЛИТТЛ-2».  
21.25 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».  
22.00 Кино на СТС. «БЕШЕННЫЕ СКАЧКИ».  
0.05 «Хорошие шутки». Шоу-программа.  
2.05 Кино на СТС. «АНГЛИЙСКИЙ ПАЦИЕНТ».  
5.00 Кино на СТС. «ЧЕЛОВЕК ИЗ БУДУЩЕГО».

## НТВ

5.25 «Курсанты»  
7.00, 9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня»  
7.15 «Дикий мир»  
7.45 «Без рецепта». Доктор Бранд  
8.25 «Смотр»  
9.15 «Главная дорога»  
9.50 «Квартирный вопрос»  
10.50 «Счастливые рейсы»  
12.50 Фильм «Белорусский вокзал»  
14.30 «Белая кровь».  
15.20 «Великая Отечественная. Падение Берлина»  
16.10 «Трактир на Пятницкой»  
18.40 Игорь Костоловский в детективе «Шлюские игры - 2. Ловушка для мудреца»  
20.40 Мел Гибсон в комедии «Чего хотят женщины»  
23.20 «Журнал лиги чемпионов»  
23.55 Энтони Хопкинс в фильме «Часы отчаяния»  
01.55 Боевике «Плоть и кровь»  
04.10 Сериал «Холм одного дерева»

## РЕН-ТВ

8.00 «Дикая планета»: «Запретный плод». Документальный фильм (Англия).  
8.55 «Дуг». Мультипликационный сериал (США).  
9.20 «Jetix» на REN TV: «Близнашки-пятёрняшки». Мультипликационный сериал (США).  
9.45 «Симпсоны». Мультипликационная серия (США).  
10.45 «Очевидец» с Сергеем Ростом.  
11.45 «Мозголомы: насилие над наукой».  
12.55 «Криминальное чтиво». «Машина для убийства».  
13.30 «Кино»: Джеки Чан, Оуэн Уилсон, Люси Лю в комедийном боевике «ШАНХАЙСКИЙ ПОЛДЕНЬ» (США).  
16.00 «Формула-1»: «Обратный отсчет».  
16.45 «Формула-1». Гонка. Прямая трансляция из Германии.  
18.45 «Формула-1»: Лучшие моменты.  
20.00 «Невероятные истории» с Иваном Дыховичным.  
21.10 «Подниматель пингинов». Концерт М. Задорнова.  
23.40 «Кино»: Джин Хакмен и Дэни Де Вито в триллере «ГРАБЕЖ» (США).  
2.05 «Эвакуация». Документальный фильм.  
3.00 «СЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ». Теле-сериал (США).  
3.45 Ночной музыкальный канал.  
5.10 «Дикая планета»: «Запретный плод». Документальный фильм (Англия).

**(Боши 1-бетда)**

Аясининг айтишича, дадаси асли ўқимшли одам, «раисларнинг ўқишида» (қишлоқ хўжалиги институтида демокчи) ўқиган экан. Аввал колхозда агроном бўлиб ишлаган, кейин-кейин колхозлардан кўр кетиб, кун кўриши оғирлашгач, ўзини бозорга урган. Ул-бул нарсаларни олиб-сотиб юради. Мол бозорига чиқади. Уйда эса икки-учта бўрдоқи новвос боқади. Шунинг орқасидан тирикчиликлари анча яхшиланиб қолган.

— Ёшимизам қирқдан ўтди, ошна, — дея гапга тушди дадаси бир бўлак гўшт билан бир паррак помидорни оғзига солиб. — Энди манашиларни деб, — у кафти билан Ботирнинг бошини силади, — яшаймизакан-да. Оммалекин...

Ботир оғзини тўлдириб овқат чайнаган, беихтиёр дадасига қаради.

— Сен қорнингни тўйғаз. Ботир бола... — дея бир нафас чалган дадаси яна гапиди давом этди. — Энди манавилар ҳақидаям ўйлашимиз керак. — Дадаси бармоғи билан боши ва кўксини кўрсатди. Кейин пиёлаларга тагин арақ кўйди. — Менинг учта ўғлим бор. Мен уларнинг, энг аввало, ҳақиқий эрақ, ҳақиқий ватанпарвар бўлишларини истайман! — Шу гапни айтди-ю Тўлқин чўлоқнинг кўзларига бирпас тикилиб қолди. — Тушуняпсанми, Тўлқин, ҳақиқий ватанпарвар бўлишини истайман.

Дадасининг гапидан кейин Ботир ҳам Тўлқин чўлоқнинг кўзларига қаради: улар гўё бўм-бўш эди, ҳатто, қорачиклари йўққа ўхшарди. Тўлқин чўлоқ дадасининг гапини тушунмаётганлигини у ҳам пайқадди. Нега энди тушунмаётганлигини-а? Ахир, Ботир кичкина бўлса ҳам тушуняпти-ку. Ўғил бола ватанпарвар, яъни Ватанини яхши кўрадиган бўлиши керак экан. Наҳотки, шунини тушуниши қийин бўлса?!...

Тўлқин чўлоқ тилининг остига нос ташлади, гап эса новвос боқиш «санъат»ига бурилиб кетди. Ана энди дадаси очилгандан очилди...

Ботир қорнини боглаб тўйғазиб олгач, ўйнагани кўчага югурди.

Тушдан кейин дадаси Тўлқин чўлоқни кузатиб чиққанида Ботир рўпарадан чопқиллаб келарди.

— Дада-дада, ҳозир Мел Гибсонди кинноси бўларкан. Кўрасизми? — деди у бидиллаб, ҳали дарвозага етмасдан.

Дадасининг сузилган кўзлари баттар қисилиб, жилмайди:

— Сиз минан бўлса кўрамиз-да, Ботир бола. — Дадаси уни, яъни кенжа-тойини бўлакча суйрди, эндигина бешинчи синфда ўқиётган бўлса-да, гоҳо-гоҳо катталардай гапириб қолишдан ҳузурланарди. — Қани, кетдик бўлмаса.

У уйга кираётиб велосипедини етаклаб кўчага чиқиб кетаётган ўртанча ўғлини тўхтатди:

— Қаяққа кетаяпсан?

— Утга, дада, — деди ўғил кўлидаги этак ва ўроққа ишора қилиб.

— Қорнингни тўқлаволдингми?

— Ҳм-м...

— Унақа бўлса ўтни кўй. Юр, Мел Гибсонди киносини кўрамиз.

Бу пайт ҳовли томонда катта ўғил кўринди.

— Дастурхонди йиғиштириб қўйиб, сенам уйга кир, — деди дадаси ёқимли буйруқ оҳангида.

Болалар дадалари билан бирга кино кўришни жуда-жуда ёқтиришарди. Шунинг учун оғизлари қулоқларида телевизор рўпарасида жам бўлдилар. Ҳадемай кино бошланди, номи «Ватанпарвар» экан.

— Зўр кино шекилли, а, дада? — деди кўзлари чакнаган Ботир бир кўзғалиб олиб.

— Мел Гибсон ёмон кинода ўйнамайди, — деб қўйди ёнбошлаб жойлашиб олган дадаси бепарволик билан.

— «Шерюрак»ка ўхшайдикан-а? — яна бидиллади Ботир.

Катта акаси «жим бўл» дегандай уни бир туртди.

— Ҳм-м... — деб қўйди дадаси унинг сўроғини жавобсиз қолдирмай.

Кино авжига чиқа бошлади. Ана босқинчилар Мел Гибсоннинг (яъни, у ижро этаётган қахрамоннинг) катта ўғлини банди этишиб, ҳайдаб кета бошлади. Унинг кичикроқ яна бир ўғли акасини озод қилиш учун ганимга ташланди. Аммо уни босқинчиларнинг ёвуз бошлиғи отиб қўйди. Мел Гибсон «Йў-ў!» дея ҳайқириб, ўғли сари отилди...

Ботирнинг дадаси эса «ах!» дея силтаниб ўрнидан туриб, ўтириб олди. Унинг бўйин томirlари бўртиб кетди.

— Ўғлини ўлдиргани учун энди у ватанпарвар бўлқоладими, дада? — сўради Ботир болаларча соддалик билан фильмининг номини эслаб.

Дадасининг кўзлари ёшланганди.

— Ҳозир унийчун болалари Ватан, — деди дадаси экрандан кўзини узмай.

Анови ўлган бола учун эса асир қилинган акаси Ватан!...

Унинг наздида, ҳозир дадаси телевизорда чиқадиган шоирларга ўхшаб кетди. Гапларини тушунмади шекилли, унга тикилиб қолди. Дадаси буни сезиб, ўгирлиди.

— Агар эрақлар ўз Ватанларини ҳимоя қилолмасалар ота-оналар болаларини, ака-укалар бир-бирларини асролмай қоладилар. Тушундингми? — дадаси яна кинога андармон бўлди.

Ботир эса ўйчан «ҳм-м» деркан, «опамиз бунақа гапларни айтмовди», деб қўйди ўзига-ўзи гапираётгандай.

Яна ҳаммалари жим қолдилар, чунки фильмдаги воқеалар авж нуктасига чиққанди. Ана, Мел Гибсоннинг тўнғич ўғли унинг ўз кўлида жон берди. Ҳалиги ёвуз бошлиқ йигитчининг қорнига қилич суқиб олди. Ботир унга жуда-жуда ачиниб кетди.

— Оғриса керак-а? — деб юборди беихтиёр.

— Оғрийди-да! — деди кичик акаси билағонлик билан.

— Ватан учун бўлса оғримаса керак, — деб қўйди дадаси ўзига ўзи гапираётгандай.

Мел Гибсон буткул тушқунликка тушди, жанг қилишдан воз кечиб, ортига қайтиб кетмоқчи бўлди. Шу пайт ўғлининг сумкасида титилган (ўғли тикиб, бутлаб қўйган) байроғини топиб олди. Шунда.. У байроқни азот кўтариб, от устида пастликдан чиқиб келаётганда дадаси тагин «ах!» дея ўрнидан сапчиди.

Унинг бўйин томirlари йўғон-йўғон бўлиб кетди. Дадаси жуда барваста ва кучли одам эди. Ҳозир кўзларида ёш ила бўғриқиб, жўшиб туриши Ботирнинг ёдига «Шерюрак» фильмидаги Мел Гибсонни солди. Фильм охирида Мел Гибсонни қийнашиб, осиб қўйишади. Ана ўшанда унинг бўйни худди дадасиники каби йўғонлашиб, томirlари бўртиб кетади...

— Мана, байроқди қандай улуглаш керак! — дея ҳайқирди дадаси.

Ботирнинг кўзлари катта-катта очилиб, дадасига тикилди.

— Байроқ шунақа азиз нарсами, дада? — бу сўзлар унинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетди.

Дадаси кескин у томонга ўгирилиб, кўзларига қаттиқ тикилди.

— Байроқ — бу Ватанди юзи-да, болам. Гап байроқ деб аталган бир парча латтада эмас... — деди гоят сокин овозда. — Мана, менинг юзим, ана, сенинг юзинг. Байроғимиз эса Ўзбекистонимизди юзи!...

Ботирнинг кўзлари чакнади. Бирок тезда туси ўзгариб, хаёли чалғида-да, яқиндагина мактабда кўрган бир воқеани эслади. Ўшанда катта танаффус маҳали эди. Ботир ўртоқлари билан ўйнаб юраркан, мактаб хўжалик омборининг ланг очик эшиги олдида беихтиёр тўхтаб қолди. Ичкарида қорни тандирдай келадиган хўжалик мудирини уюлиб ётган турли нарсалар остидаги катта столни олишга уринаётган икки юқори синф ўқувчисига «уни у ёққа, буни бу ёққа», дея буйруқ бериб турарди. Бир пайт болалардан бирининг кўлида дастасига беўхшов ўрамоқланган, ранги униққан байроқ пайдо бўлди-ю, «Буни нима қилай?» дегандай хўжалик мудирига қаради. Мудирнинг ҳатто, бирон тўки ҳам қимир этмади:

— Наряққа ташла, списат (Ботир бу сўзни тушунмаган, ҳатто, эслаб қололмаган бўлса-да, мудирнинг сўз оҳангида «кераксиз нарса» деган маънони англади) қилинган байрак, — деди девор остини кўрсатиб.

Ҳалиги бола аввалига ҳайрон бўлди, сўнг «менга нима» дегандай учиди ялтироқ найзаси бўлган байроқни девор тагига улоқтирди. Ботир айна дамда ана ўша воқеани эсларкан, агар байроқ азиз нарса бўлса, унда хўжалик мудирини нега энди уни улоқтиришга буюрди, дея ўйларди. Ахир у ҳам дадасига ўхшаб кап-катта одам бўлса!... Демак, байроқни кўтаришим керак, дея хаёли қилди у. Негадир миясига айнан шу — «кўтаришим керак», деган сўз келди...

Баҳорда иш дегани кўпайгандан-кўпаяди. Айниқса, мактабларда, баҳорий байрамлар баҳона хоналарни, те-варакни супуриб-сидириш, тозалаш авж

олади. Гоҳо бунақа юмушлардан болалар беэиб ҳам кетишади.

Бир куни Ботирнинг муаллимаси учинчи соатдаги дарсни ўтиб бўлгач:

— Бугун бир ҳашар қилайлик-а... Полни, парта-ю деворларни ҳам содалаб ювамиз, майлими, болажонлар? — деди эркаловчи оҳангда. — Хотира ва Қадрлаш кунига хонамизни зўр қилиб қўйайлик!...

Ботир билан яна бир болани хўжалик мудирига жўнатди. Опаси ундан эски латта ва сода сўраб қўйган экан, ўша нарсаларни олиб келишларини тайинлади.

Хўжалик мудирини ўз омбори олдидаги сўрида қорнини тиззасига қўйиб, ястаниб ўтирарди.

— Опамиз жўнатди, — дейишди болалар.

— Ҳозир сенларга латта бераман, — деган мудир омбор эшигини очиб, нима қилишини билмай серрайиб туриб қолди. Сўнг бир бурчақдан эски латта топди-да, Ботирнинг шеригига узатди. Бола латтани олгач, шеригини ҳам унутиб, синфхонаси томон чопиб кетди.

— Сенга нима берсамийкин? — деди мудир у ёқ бу ёққа алангларкан.

Шу пайт девор остида ясамоқ учун аҳд қилмоқ, курашмоқ тарихнинг улуг жангларига кирмоқликдан кам эмаслигини у тушунмасди ва болақай бунақа чиройли гапларни билмасди ҳам. Лекин масъум қалбининг амри, ундови ва эҳтироси туфайли она Ватанининг байроғини болаларча завқ ила мардона кўтариб борарди. Унинг буюк курашга, жангга ўзи билмай бел боглаганлигини фақатгина тиниқ осмон, ям-яшил дараклар, йўллар, Ватани, қўлидаги байроқ ва ўша кўллари фаҳмлаб, тушуниб турарди.

Ботир мактаб дарвозасига етганда велосипед минган дадаси масжид муюлишидан ўтиб, гузарга келди. Ошнаси Тўлқин чўлоқ билан кўришиб қўйиш учун тўхтади.

— Ўғлинг байрак кўтариб ўтиб кетди-я? — дея тиржайди чўлоқ ҳали сўрашиб улгурмай. — Унияжм жа ватанпарвар киворибсанми?...

Бу гапдан отанинг жаҳли чиқди. Тўлқин чўлоқнинг башарасига бирпас галати тикилиб турди-да:

— Ҳушёр бўл, сениям!.. — дея зарда билан шартта бурилиб, велосипедга минди.

Ботир қатор бўлиб давра қурган мактаб жамоати ёнига етганда бир тўхталиб олди. Байроқ қўлидан тушиб кетай деди. Ўқитувчи-ю ўқувчилар — ҳамма-ҳамма унга ўгирилди. Ҳатто, учрашув учун келиб, давра тўрида ўтирган уруш қатнашчиси бўлмиш икки чол ҳам унга қарадилар. Чор—атроф сукунатга чўмди. Ҳамма ҳайратда — ахир таомил бундай эмас-ку!

Шу пайт боланинг ортида дадаси пайдо бўлди. У велосипедини ерга ташлади-да, шахд ила ўғлига яқинлашди. Барчанинг нигоҳида «нима қиларкин?» деган хавотирли савол зоҳир бўлди. Ҳойнаҳой, бетаъсир ўғлига шапалоқ тортиб юборса керак. Йўқ, ундай қилмади. Ота ўғлининг икки чаккасида тутиб, кўзларига тикилди.

— Баракалла, ўғлим! — деди овози титраб ва мижжаларида ёш айланди. — Баракалла!... — У ўғлининг пешанасидан ўпиб, даст кўтарди-да, елкасига ўтқазди ва давра томон юрди.

Ботир байроқни янада юқори кўтарди. Бугун вужуди жимирлаб, кўзлари чакнади.

Икки фахрий чол Ботирга меҳр ва завқ ила боқишаркан, беихтиёр чапак чалиб юбордилар. Уларга ўқитувчи ва ўқувчилар ҳам эргашдилар. Ҳаммаёқ олқишга тўлди. Барча Ботирга ва унинг қўлидаги байроққа тикиларди, кўзларида эса турли маънолар балқиб турарди.


Ботирнинг кичик акаси ўз синфдошлари орасида сафда тураркан, дадаси билан укасига боқиб, қаддини тослади, елкаларини кўтарди. Тўққизинчи синфда ўқийдиган катта акаси эса синфдошининг ортида турган кўйи масрур жилмайди.

Ўз сўрасининг устида тик туриб даврани томоша қилаётган хўжалик мудирини гўлдираб қўйди:

— Оббо қизталагей, янги байрақти қайдан топтийкин?...

Ботир ҳозир чинакам Мел Гибсон эди ва барчадан баландда турарди. Қўлидаги байроқ эса юксак-юксакларда мардона қанот қоқарди.

Наби ЖАЛОЛИДДИН



## БАЙРОҚ ҲИКОЯ

қаттиқ силтади. Байроқ гўё инграгандай овоз чиқариб, ярмигача йиртилди. Уни ердан олиб, ғижимлаб ўрамоқлади-да, Ботирга узатди.

— Ма, бировга кўрсатмай ишла.

Ботир қараёт эди. Мудирнинг бу ҳаракатлари асносида Мел Гибсоннинг кинолари кўз олдига келди. Дадасининг Ватан, байроқ ҳақидаги гаплари ёдига тушиб, байроқни кўтармоқчи бўлганини эслади. Шунинг учун омборнинг эшиги олдида бирпас иккиланиб туриб қолди. Бир қарорга келди шекилли, ғижимланган байроқни қўлига қисиб, уйи томон чопиб кетди. Муюлишдаги қишлоқ масжиди олдида икки-учта чоллар ўтиришарди. Уларнинг қаршисига етганда бола гўё чоллар қўлигадаги нарса нима эканлигини билиб қолишаётгандек пича галати бўлиб олди. Бирок бир неча лаҳза ўтар-ўтмас хавотирли ўринсизлигини фаҳмлаб, оқсоқолларга қуюқ салом берди-да, қадамини тезлатди.

Ботир қўлидаги каттагина латта билан синфхонага хансираб кириб келганида, опаси омборга у билан бирга болан боладан унинг қаерда қолганлигини эндигина сўроқлаб турган экан...

Болақай ўша куни кечга томон аясида игна билан ип олди.

— Нима, энди чеварчилик қилмоқчимисан, Ботиржон? — деди аяси кулиб.

У эса «керак бўл қолди-да», дея дарсхонасига кириб кетди. Байроқни ўша ерга берикитган эди. Ранги ўчган йиртиқ байроқ ҳозир кўзига жуда ғариб кўринди. Уни текис қилиб ёзиб, бир оз ўйчан тикилиб турди ва йиртигининг бир четига аста игна урди.

Унинг «тикувчилиги» бир неча кунлик бўш вақтини олди. Сабаби чоки ўзига ёқмай қайта-қайта тикишга тўғри келди. Қоратолнинг шоҳидан байроқ учун даста йўнди — бунга ҳам анча вақт кетди. Сўнг ҳафсала билан дазмоллади...

Майнинг бошларида мактабда Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган кеча бўлиши керак эди. Ботир ана ўша йиғинга боришни мўлжалларди. Текис тикилган, дазмолланган байроқни янги дастасига яхшилаб ўраб, дарвоза томон бораётганда ортидан аясининг овози эшитилди:

— Байроқ қайдан келди, болам?

— Мактабдан беришувди. Бугунги байрамда кўтариб тураман, — деди бола онасини ортиқча безовта қилмаслик учун ёлғон гапириб.

— Ҳа, тузук. Оммолекин йиртиб-не-тиб қўймагин, — дея насиҳат қилган бўлди аяси.

Ботир «хўп-хўп» деди-да, кўчага чиқди. Бироз юргач, енгил шабада эсаётганини пайқаб, завқи келди. Уралган

**САВОЛ:** Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисани текшириш ва ҳисобга олиш қандай амалга оширилади?

**Х.ЖЎРАЕВА,**  
Қашқадарё вилояти

**ЖАВОБ:** Инсон унинг ҳуқуқлари ва манфаатлари энг олий қадрият, дея эълон қилинган бизнинг жамиятимизда одамлар ҳақида сўздагина эмас, балки амалда ҳар доим ва ҳамма жойда ғамхўрлик қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий жиҳатларидан бири эканлиги шак-шубҳасиз.

Фуқароларимизнинг соғлом ва адолатли меҳнат шароитларида меҳнат қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасида кафолатлаб қўйилган бўлиб, бу ҳуқуқнинг таъминланиши инсон манфаатларини таъминлашнинг шартларидан саналади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меҳнат қонунчилиги тизими ишловчиларга соғлом ва адолатли меҳнат шароитлари таъминлаб берилиши юзасидан аниқ вазифалар ҳамда мажбуриятларни иш берувчилар зиммасига юклайди. Ушбу мажбуриятлар бажарилмасдан қолган тақдирда эса юз берадиган оқибатлар учун уларнинг жавобгарликларини назарда тутати. Иш берувчиларга юклатилган мажбуриятлардан бири — ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ходимларга жароҳат етказилиши билан боғлиқ бўлган бошқа ҳодисаларнинг ўз вақтида, ҳолислик билан, тўла-тўқис текширилиши, юз берган ана шундай ҳолларнинг белгиланган тартибда ва муддатларда ҳисобга олиб борилишидан иборатдир. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат

кодекси (модда) мулкчилик шакли, ташкилий-ҳуқуқий тузилишидан қатъий назар барча корхона ва ташкилотлар зиммасига юқоридаги мажбуриятни юклайди.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида текшириш ҳамда ҳисобга олиш бун-

шириш назарда тутилган бўлиб, умумий текшириш корхона иш берувчи томонидан тузилган комиссия томонидан, махсус текшириш эса ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Корхона ҳудудида, иш берувчи топшириғига кўра корхонадан ташқари хизмат вазифасини бажариш чоғида, корхонанинг транспорт воситасида ишга бориш, ишдан қайтиш пайтида юз берган ва ходим меҳнат қобилиятининг

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузган комиссия томонидан, беш ва ундан кўп ходимлар ўлимига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса эса Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқати комиссия томонидан ўн беш кун ичида текширилиши ва текшириш натижалари Н-1 шаклидаги далолатнома тузиш йўли билан расмийлаштирилиши лозим бўлади.

Юз берган бахтсиз ҳодисанинг ўз вақтида ва ҳолислик би-

ҳолларда жабрланувчи ходим (ёки унинг вакиллари) корхона касабга уюшма кўмитасига мурожаат қилишлари мумкин ва улар аралашуви билан ушбу муаммолар дарҳол бартараф этилиши лозим бўлади. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар оқибатида ходимлар саломатлигига шикаст етиши ёки уларнинг вафот этганлиги туфайли иш берувчи айби билан ходимлар кўрган моддий зарарни қоплаш тартиби махсус қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида нодавлат мулкчилигига асосланган корхоналар сонининг ўсиши, иқтисодиётнинг нодавлат секторига банд бўлган, ёлланиб ишловчи ходимлар сонининг кўпайиши мамлакатимиз тараққиётидаги ижобий ҳодиса бўлиши билан нодавлат мулкчилигига асосланувчи корхона иш берувчилар томонидан кўпроқ фойда олишга интилиб, меҳнат муҳофазаси масалаларида эътиборнинг сусайишига ва шу ҳолат туфайли бахтсиз ҳодисалар миқдори кўпайишига, ходимларнинг бу соҳадаги ҳақ-ҳуқуқлари етарли ҳимояланмасдан қолишига сабаб бўлмақда.

Шу сабабли меҳнат муҳофазасига оид қонунчилик талабларини, хусусан, юз берган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни текширишга оид талабларнинг тўлиқ, сўзсиз бажарилишини таъминлаш бугунги ўтиш даврида ходимлар ҳуқуқларини ҳимоялаш ва кафолатлашнинг асосий шартларидан саналади.

дай воқеа сабаблари ва оқибатларини тўғри аниқлаш, жабр кўрган ходим ҳақ-ҳуқуқларининг муҳофаза этилишини таъминлаш, бундай ҳодиса юз беришида айбдор бўлган мансабдор шахсларни аниқлаш, энг муҳими, келгусида ана шундай кўнгилсиз воқеалар юз беришининг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўриш имконини беради. Корхона, ташкилотларда юз берадиган бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва ҳисобга олиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган ва шу ҳақдаги низом билан тартибга солинади.

Ушбу низомга кўра корхонада юз берган бахтсиз ҳодисаларни умумий ва махсус тек-

бир кундан кўп муддатга йўқолишига сабаб бўлган ҳар қандай ҳодиса тегишли журналларда ҳисобга олиниб (қайд этилиб) борилиши шарт.

Битта ходимнинг соғлиғига шикаст етишига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса иш берувчи тузган комиссия томонидан уч кун ичида текширилиши ва натижалари Н-1 шаклидаги далолатнома билан расмийлаштирилиши лозим. Бир гуруҳ ходимлар соғлиғига шикаст етган, бир ходимнинг вафот этишига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса вилоятлар (Тошкент шаҳар) меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси тузган комиссия томонидан, икки-тўрт нафар ходим вафотига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва

лан текширилиши ходим ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоя этилишида муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли текшириш чоғида ходимнинг ўзи (иложи бўлмаганда унинг вакили) иштирок этиши, унинг талаби билан далолатноманинг бир нусхаси унга берилиши керак. Далолатнома ходимга етказилган зарарни ундириш пайтида, унга ногиронлик пенсияси тайинлашда, агар бахтсиз ҳодиса натижасида ходим вафот этган бўлса, унинг қарамоғида бўлган шахсларга зарарни қоплаш, пенсия тайин этиш чоғида асосий ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

Иш берувчи бахтсиз ҳодисани текширишдан бош тортган, бўйин товлайётган ёки ноҳолис текшираётган, текшириш далолатномасини бермаётган

## БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Саволингизга Тошкент Давлат юридик институтининг «Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи» кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди Йўлдош Турсунов жавоб беради

# БЎШ ВАҚТИНГИЗДА СКАНВОРД

Тузувчи: Ф.ОРИПОВ

### БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Кўшилларингиз сизни яхши одам дейишайётган бўлса, демак сиз яхшисиз. Агар улар сизни ёмон одам дейишайётган бўлса, демак сиз ёмон одамдирсиз.

Бирор тоғни ўрнидан бошқа жойга кўчибди, деб эшитсаларинг, унга ишонаверинглар, аммо бирор кишининг хулқи ўзгарибди, деб эшитсаларинг ишонманглар, чунки у албатта туғма феълига қайтур.

Қайси бирларингизда жаҳлу ғазаб кўзиса, дарҳол у сукут сақлашга ўтсин!

					Авто марка	Тун қуши	Қазноқ	Беш дос-тон	Сибир даги улка							
	Матбаа идораси	рўзгор буюми	Вест-Индия давлатити		Тўлиқ	Вилоят тумани (Тошкент)			Италия дарёси	Хафта куни	Афсонавий қуш					
						Само										
	Оғир атлетика	Раж Капур фильми								Хаёт асоси	Дорбоз анжоми					
	Тиш ўрни				Кулги	Қаллиқ		Пул бирлиги			...ов	Бошчилик қилувчи				
			Навбат					Ёз ичимлиги	Самолёт гаражи							
	Турар жой		<b>Кел, бугун ҳушёр бўл, ватанни қўлингдан бермагил! Нозу неъмат, шону шавкатни ўзингдан узмагил!</b> Мутриба						Гап бўлаги	Ёзув асоси	Лаҳза		Бизе операси			
Тоглик тумани	Намак								Ибо			Меҳнат				
												Инерт газ		Рост		
	Ҳомий	Газлама						Куш аъзоси		Уюм, туп						
						Юнон ҳарфи			Куй қисми							
Европа давлати		Фаҳм, идрок	Олов қолдиги	Зиё	Мард инсон	Ютуқли уйин					Чолгу асбоби	...тун	Мозамбик пойтахти			
									Спиралсимон қисм				Торли соз			

## Муштарий фиқри

### КЎЗЛАРИНГНИ ЯШИРМА...

**Турли ҳаёллар исқанжаси-да автобусда кетаяпман. Салон тирбанд бўлмаса-да, одамларга тўла. Шу пайт бир шикаста овоз ҳаёлимни бўлди:**

— Болам, озгина сурилсанми, озгина...

Уни кимдир эшитди, кимдир эшитмади. Отахон бор-йўғи йўлакдаги тирбанд ҳолдан қийналаётгани, ўриндиққа ўлтиришга талабгор ҳам эмасди. Назар солсам, аксарият йигит-кизлар ястаниб ўлтирганча, деразадан шаҳарни томоша қилиб кетишарди, гўёки. Отахоннинг эса тобора ранги оқариб кетаяпти. Атрофдагиларга сўз қотишга эса журъятим йўқ. Қани энди, қўлимдан келсаю кимдир тургазиб отахонни ўтқазиб қўйсам...

Ҳеч қанча вақт ўтмай «гурс» этган овоз эшитилди. Қизлар «вой, вой»лаб қолишди. Не кўз билан кўрайки, ўша отахон ўзини билмай ётарди. Салонни ғалаговур эгаллади. Ҳайдовчи автобусни тўхтатиб, отахонга тиббий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиларди.

Орадан бир неча кун ўтган бўлса-да, юзини терс буриб, кўзларини яширган тенгдошларим кўз олдимдан ўтаверди. Уйланиб қоламан, арзимаган нарсага кўзини яширадиган бу тенгдошларим — эртага ҳақиқат кўзига қандай тик қарашаркин...

**Муҳайё Жўраева,**  
**ЎзДЖТУнинг халқаро журналистика факультети I босқич талабаси**

### ҚАДРИНИ ТОПГАН РАНГИСИЗ СУЮҚЛИК

Бензиннинг ҳозирги даврдаги аҳамияти ҳаммага аён. Лекин нефтдан олинадиган бу рангсиз суюқлик ҳамма вақт ҳам бугунгидагидек қадри бўлмаган. У авваллари ҳавони, оқар сувларни захарлайдиган, аксари ёнғинга сабаб бўладиган хавфли чиқинди саналиб, бирон нарсага ишлатилмасди. Аксинча уни денгизларга, чуқурларга тўкиб юборишарди. Бунинг оқибатида балиқларнинг нобуд бўлишини айтмайсизми! 1902 йили Грознийда 70 минг тоннадан зиёд бензин шу тариқа йўқотилган. Ваҳоланки, шунча бензин 20 минг автомобилнинг Москвадан Узоқ Шарққа боришига бемалол етарди. Мана, яна бир мисол. Бир килограмм бензиндаги энергия билан 30 килограмм чўян эритиш ёки 200 килограмм пўлат ёйиш, ё машинада 10 километр масофа босиш мумкин. Ўша вақтларда саноатчилар бензиннинг қадрига етиш у ёқда турсин, ҳатто уни қандай йўл билан тез ва батамом йўқотиш «танлови»га ҳам озмунча пул сарфлашмасди. Бу масала фақат ички ёнув двигателлари вужудга келиши билан ҳал бўлди.

2006 йил 1, 8, 15, 22, 29 июн ва 6, 13, 20, 27 июл кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида, объектнинг бошланғич баҳоси қадам қадам ошиши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Давлат фельдъегерлик хизматининг балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

1.ГА3-31029 русумли, давлат рақами 10АХ094, 1995 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич баҳоси — 1 470 000 сўм.**

2.ГА3-31029 русумли, давлат рақами 10АХ091, 1995 йил



# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

## Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Давлат мулки қўмитаси томонидан Республика Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари бўлиб ўтадиган марказлашган электрон биржа савдоларига қуйидаги давлат объектлари қўйилаётганини маълум қиламиз

### 2006 йил 8 майдан қуйидаги объектлар такроран савдоларга чиқарилади

1. Наманган вилояти, Чортоқ туманида жойлашган «Чортоқ нефт базаси». **Бошланғич баҳоси — 94344,0 АҚШ доллари.**

2. Қашқадарё вилояти, Китоб туманида жойлашган 11-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (11-АЁҚШ). **Бошланғич баҳоси — 23197,5 АҚШ доллари.**

3. Навоий вилояти, Нурота туманида жойлашган 12-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (12-АЁҚШ). **Бошланғич баҳоси — 14009,0 АҚШ доллари.**

4. Фарғона вилояти, Қува туманида жойлашган 1-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (1-АЁҚШ). **Бошланғич баҳоси — 17100,1 АҚШ доллари.**

5. Жиззах вилояти, Зафаробод туманида жойлашган 4-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси (4-АЁҚШ). **Бошланғич баҳоси — 13190,0 АҚШ доллари.**

6. Тошкент вилоятида жойлашган «Ўзавтойўл» ДАК таркибидаги «Зафар автогаъмир («Ангрен ободончилиги») МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси — 28544,0 минг сўм.**

7. Тошкент вилоятида жойлашган «Ўзиртаъмиркурилиш» уюшмаси таркибидаги «Тошмелиосувқурилиш» трести «7-КМК» МЧЖнинг 10,0 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси — 15954,06 минг сўм.**

8. Тошкент шаҳрида жойлашган «Ўзмеvasабзавотузумсаноат-холдинг» ХК таркибидаги «Ўзмеvasабзавотимпекс» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси — 31169,70 минг сўм.**

9. Фарғона вилоятида жойлашган «Ўзбек ипаги» уюшмаси таркибидаги «Тошлоқ бош пиллаҳонаси» МЧЖнинг 25,0 фоиз давлат улуши. **Бошланғич баҳоси — 28756,0 минг сўм.**

10. Андижон вилоятида жойлашган ҳокимиятга қарашли собиқ «Шаҳрихон» МЧЖ ҳозирда «Ҳамидов Адилжон» ху-

сусий корхонасига қарашли давлат акти-ви сифатида аниқланган 50 ўринли ёзги кинотеатр биноси (ер майдонидан ташқари). **Бошланғич баҳоси — 826,022 минг сўм.**

**Изоҳ:** нефт базаси ва АЁҚШлар бўйича тўловлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов кундаги курси бўйича АҚШ долларига нисбатан сўмда амалга оширилади.

### Давлат мулки қўмитаси Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2006 йил 5 майдан Андижон вилояти «Ҳудудий комму- нал хизмат» корхонаси таркибидаги «Иссиқлик манбаи» ОАЖга қарашли қуйидаги объектлар қўйилади

1. Бўз шаҳри, А. Икромов кўчаси, 5 тор кўчада жойлашган «Икромов 5» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 1017,50 минг сўм.**

2. Асака шаҳри, Зарбдор ҚФЙ, Чек маҳалласида жойлашган «Т. Мирзаев» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 1126,0 минг сўм.**

3. Асака шаҳрида жойлашган «Ниёз-ботир» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 1127,89 минг сўм.**

4. Асака шаҳрида жойлашган «Шаҳрихон 120» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 3091,0 минг сўм.**

5. Асака шаҳри, Амир Темур кўчаси, 36 уй манзилида жойлашган «Темур 36» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 2181,22 минг сўм.**

6. Асака тумани, «Ўзбекистон» ҚФЙ, Т. Аҳмедов кўчасида жойлашган «Шаҳрихон 194» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 2640,0 минг сўм.**

7. Балиқчи тумани, Балиқчи қишлоғида жойлашган «Оқтом» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 9827,67 минг сўм.**

8. Балиқчи тумани, Балиқчи қишлоғида жойлашган «Ойбек 12» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 5617,39 минг сўм.**

9. Балиқчи тумани, Чинобод кўчасида жойлашган «БОК» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 6950,62 минг сўм.**

10. Бўз шаҳри, А. Икромов кўчаси, 77-уйда жойлашган «Икромов 79» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 4192,0 минг сўм.**

11. Бўз шаҳри, А. Икромов кўчаси, 15,16,17 уйларда жойлашган «Икромов 15» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 3328,06 минг сўм.**

12. Жалақудуқ тумани, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган «ГПЗ 27-1» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 4051,72 минг сўм.**

13. Жалақудуқ тумани, Фуркат кўчасида жойлашган «ГПЗ 27-2» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 2926,72 минг сўм.**

14. Марҳамат шаҳри, Кичик даҳа 5-уйда жойлашган «Сулаймонова» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 4255,0 минг сўм.**

15. Марҳамат шаҳри, Мустақиллик кўчасида жойлашган «Мустақиллик» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 9904,72 минг сўм.**

16. Олтинкўл тумани, Олтинкўл ҚФЙда жойлашган «Янги ҳаёт» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 9047,74 минг сўм.**

17. Пахтаобод шаҳри, Ҳабибий кўчасида жойлашган «Сой» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 3122,0 минг сўм.**

18. Пахтаобод шаҳри, Соҳил кўчасида жойлашган «Соҳил» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 4186,62 минг сўм.**

19. Пахтаобод шаҳри, Ирригатор кўчасида жойлашган «Ирригатор» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 1265,0 минг сўм.**

20. Пахтаобод шаҳри, Октябрьская кўчасида жойлашган «Октябрьская» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 1423,0 минг сўм.**

21. Шаҳрихон шаҳри, Ҳамза кўчаси, 14 уйда жойлашган «Ҳамза 14» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 1648,0 минг сўм.**

22. Шаҳрихон шаҳри, Дўстлик даҳасида жойлашган «Октябрь 1» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 830,0 минг сўм.**

23. Шаҳрихон шаҳри, Дўстлик даҳасида жойлашган «Октябрь 2» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 3237,0 минг сўм.**

24. Шаҳрихон шаҳри, Р. Ёдгоров кўчасида жойлашган «Ромашка» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 4327,33 минг сўм.**

25. Шаҳрихон шаҳри, Ёдгоров кўчаси, 101 манзилда жойлашган «Ёдгоров 101» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 722,14 минг сўм.**

26. Шаҳрихон шаҳри, Мусо Жалил, Бешариқ МФЙда жойлашган «Авиационная» қозонхонаси. **Бошланғич баҳоси — 3156,34 минг сўм.**

## Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

**Имкониятингизни бой берманг.**  
Савдоларда Республика Кўчмас мулк биржаси рўйхатидан ўтган малакали брокерлари объектларни харид қилишингизда Сизнинг хизматингизда бўладилар.

Кўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 массиви, Махаммад Ҳазратов кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси.  
Телефонлар: 399 80 26, 399 84 48. Факс: 399 80 26 www.rkmb.uz

Эслатма: РКМБ тизими марказлашган электрон биржа савдолари жараёнида савдога қўйилган объектга икки ва ундан ортиқ харидор томонидан қизиқиш билдирилган ҳолда савдо аукцион кўринишида давом этиб нархлар эркин шаклланади.

## Ишбилармон ва тадбиркорлар, аҳоли диққатига!

Республика Кўчмас мулк биржаси алоқа телефон рақамлари ўзгарганлигини маълум қилади.  
136 15 28 рақами 399 80 31га (қабулхона), 136 26 26 рақами 399 84 48га (савдоларни ташқи қилиш бошқармаси), шунингдек, 133 29 83 рақами 399 80 32га, 133 31 39 рақами 399 88 05га, 132 06 10 рақами 399 88 02га, 136 06 17 рақами 399 85 52га ўзгартирилди.

Манзилимизни эслатиб ўтамиз. Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 мавзеси, Махаммад Ҳазратов кўчаси, 1 «А» уй.

Биржа бошқаруви

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ВА «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

да ишлаб чиқарилган. **Бошланғич баҳоси — 1 440 000 сўм.**

3.УАЗ-2207 русумли, давлат рақами 10АТ 245, 1994 йилда ишлаб чиқарилган. **Бошланғич баҳоси — 2 527 600 сўм.**

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш

учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан зақалат пули тўлаши шарт.

Зақалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси АТИБ «Ипотекабанк»нинг Тошкент шаҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб рақамига: 2020800004265383002 КОД-00901, СТИР 204563716 ўтказилади.

Кўшимча маълумотлар учун

Республика Кўчмас мулк биржаси ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 даҳаси, М.Ҳазратов кўчаси, 1 «А» уй, Республика Кўчмас мулк биржаси биноси 2-қават, 207-хона.

Маълумот учун телефонлар: 399-80-23. Факс.

## Ишбилармон ва тадбир- корлар, аҳоли диққатига!

Республика Кўчмас мулк биржаси ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» алоқа телефон рақамлари ўзгарганлигини маълум қилади.

133 29 83 рақами 399 80 32га, 136 15 28 рақами 399 80 31га, 133 31 39 рақами 399 88 05га, 136 26 26 рақами 399 84 48га, 132 06 10 рақами 399 88 02га, 136 06 17 рақами 399 85 52га ўзгартирилди.

Манзилимизни эслатиб ўтамиз: Тошкент шаҳар, С.Раҳимов тумани, Қора-қамиш 2/4 мавзеси, Махаммад Ҳазратов кўчаси, 1 «А» уй.

**Зухра Ашуровани театр санъати мухлислари жуда яхши танишади. Унинг отаси Жўрахожи асли Дўрмон қишлоғидан бўлиб, хўжаликда бош энергетик бўлиб ишларди. Лекин шунга қарамасдан, санъатга меҳри ўзгача эди. Бўш қолди дегунча гижжакни кўлига олиб, мумтоз куйлардан чаларди. Зухрада санъатга ҳавас отасидан ўтган. Кибрайдаги мусика мактабини муваффақиятли тугатган Зухра ҳеч иккиланмай санъаткор бўлиш орзусида Тошкент санъат институтига ҳужжатларини топширади. Театр ва кино актёри бўлимида таникли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева кўлида таҳсил олади. Таникли ижодкордан санъатнинг ўзига хос кирраларини ўрганайди. 1983 йилда институтни муваффақият билан тугатган Зухра Ашурова Миллий Академик драма театрига ишга қабул қилинади.**

Унинг биринчи роли Ўзбекистон халқ артисти Ойдин Норбоева сахналаштирган америкалик драматург Уильямснинг «Армон» асаридаги Лаура образи эди. Илк бор ижро этган бу образ ҳануз унинг ёдида. Бу рол унга омад олиб келди. Ёш санъат-

тиёр ҳис қилади. Шукур Бурхонов, Сора Эшонтўраева, Наби Раҳимов, Зайнаб Садриева, Фани Аъзамов, Саъдихон Табибуллаев, Икромма Болтаева каби бетакрор устозлар фаолият кўрсатган муборақ даргоҳда ишлаётганидан фахрланиб қўяди. Ай-

## Зухра АШУРОВА: «ЭЗГУЛИКНИ СОҒИНИБ ЯШАЙМАН...»

кордаги қобилиятни сезган режиссёр Баҳодир Йўлдошев унга катта ролларни ишониб топширди. Уйғуннинг «Зебуннисо» асаридаги Канизак, Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзгалони»даги Нигора образини катта маҳорат билан ижро этди. Ҳатто ўша йиллар уни ҳамкасблари Нигора деб чақирадиган бўлишди.

Кейинчалик, Ўлмас Умарбековнинг «Ўз аризасига кўра» асаридаги Зумрад, «Кузнинг биринчи кўни»да Саида, Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор»ида — Захро сингари хилма-хил, такрорланмас образларини яратиб томошабинлар эътиборини қозонди. Санъат даргалари Сора Эшонтўраева ва Наби Раҳимовлар билан ёнма-ён туриб «Ғариблар» асарида ижро этган котиба қиз образини томошабинлар яхши эслашади. «Ёрқиной» асарида Ёрқиной, «Меҳробдан чаён»да — Раъно, «Пири коинот»да Фирдавс, «Муҳаббат султони»да — Лайли, «Кундузсиз кечалар»да — Солиҳа, «Етти фарёд»да Жулия, «Бир кошона сирлари»да — Гулноза, қозоқ драматурги Б. Мукеининг «Ҳаётдан тўйган тун»да — Баян, «Қаллик ўйин»да — Жумагул, «Андишали келинчақ»да — аёл образлари уни элга танитди.

Зухра Ашурованинг халқимизнинг севимли санъаткори бўлиб етишишида, албатта, устози Яйра Абдуллаеванинг меҳнати бекиёс.

Устози ҳақида гап кетгудек бўлса Зухра раҳон алоҳида ҳурмат ва меҳр билан сўзлайди. «Яйра опам ҳозиргача «Бир кошона сирлари», «Дарахтлар тик туриб жон беради» спектаклларидаги бош роллари билан томошабинларни ўзларига махлиё этиб келмоқдалар», дея устозига тан беради. Яна суюкли устозлари Тўтихон Юсупова, Рихсихоним Иброҳимовалар билан ёнма-ён ижод қилаётганидан ўзини бах-

ниқса, Сора опанинг ҳар бир премьерадан сўнг, уйига сим қоқиб, қайта-қайта табриклаганларини ҳамиша эслаб юради.

Зухра Ашурованинг «Ўзимни бахтли ва омадли актриса, деб ҳисоблайман» дейишида жон бор. Чунки унинг шундай буюк санъаткорлар билан ён-ён туриб, сахнада рол ижро этиши катта бахт.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Зухра Ашуровани айниқса «Бобур» видеофильмидаги Хонзодабегим роли элга танитди. «Лайли ва Мажнун»даги Лайли образи эса унга шухрат олиб келди. Шунингдек, унинг «Оталар сўзи-ақлнинг кўзи» телекўрсатувида яратган қахрамонлар образи ўзининг гўзал ички дунёси билан теле-томошабинлар кўнглига йўл топган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, эл севган санъаткор Зухра Ашурова бугун таҳририятимиз меҳмони.

— Актёрларда шундай қобилият борки, улар томошабинни хоҳласа қулдириши, ёки йиглатиши ҳам мумкин. Кўча-куйда юрганда ҳам мухлисларим сизга салбий рол-

## Сиз кутган учрашув



лар ярашмайди, дейишади. Ҳатто турмуш ўртоғимдан ҳам шу фикрни эшитаман. Биласиз, бир-бирига ўхшаш роллар санъаткорни бир қолига солиб қўяди. Мен ўз характеримдан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, ҳар ҳолда комик актриса эмасман, лирик актрисаман, десам ҳақиқатга тўғрироқ бўларди.

— Армонингиз борми?

— Бирдан-бир армоним ҳозирги пайтда биз тенги, ўрта ёшдаги актёрлар учун асарлар йўқлиги. Томошабинни ўйлатадиган сахна асарини интизорлик билан кутмоқдамиз.

— Аёлнинг кўнгли жуда нозик дейишади. Шу маънода аёл санъаткор кўнглини нима билан олиш мумкин?

— Бир оғиз ширин сўз билан. Аёл хоҳ ёш бўлсин, хоҳ қари, унинг кўнгли бирдай — ўта нозиклигича қолади. Биллурдай соф бўлади. Бир оғиз ёмон сўздан у чил-чил бўлиши, йўқса бир оғиз ширин сўздан тоғдай кўтарилиши мумкин.

— Ёш санъаткорларга тилақларингиз?

— Уларнинг барчасини ҳурмат қиламан ва санъат аталмиш буюк даргоҳдан ўз ўринларини топишларини истайман. Яна уларга омад тилайман. Чунки актёр учун омад жуда муҳим нарса.

— Сизга таскин берадиган ёки кўпроқ қийнайдиган нарса нима?

— Дўстларимнинг кўпчилиги, рўзгоримнинг бутлиги, тинч-хотиржам бу ўлкада яшаётганимиз қувончим. Одамларнинг бифарқлиги, ҳасадгўй ва кўролмас кимсаларнинг борлигидан доимо эзилиб юраман.

— Нимани кутиб яшайсиз?

— Ҳамма инсонлар каби эзгуликни соғиниб яшайман.

Сухбатдош:  
Раҳимжон ОРИПОВ

1 — 7 майгача

МЧНАЖЖИМАЛАР БАШОРАТИ

**КҮЙ.** Ушбу ҳафта ишда ҳеч қандай хатоликка йўл қўйманг. Ҳамма билан ҳушмуомалада бўлинг. Атрофдагиларга имконингиз борича ёрдам беринг. Чунки улар сизнинг оғир кунингизда асқотади.

**БУЗОК.** Ҳафта давомида яқинларингиз билан кўпол муомалада бўлманг. Уларнинг кўнгли ўқсиб қолиши мумкин. Ишга бўлган шижоат ва маҳоратингизни оширинг.

**ЭГИЗАКЛАР.** Ақлий ҳамда жисмоний иш билан фаолият юритаётганлар учун ушбу ҳафта яхши келади. Фақат хом хаёлга борманг. Яқинларингиздан бири сиз билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиши мумкин. Бунга йўл қўйманг.

**ҚИСКИЧБАҚА.** Ушбу ҳафта ҳар қандай мушкул ишга қўл урсангиз бўлади. Чунки сиз учун омадли кунлар келди. Бироқ оқимга қарши сузишни хаёлингизга келтирманг.

**АРСЛОН.** Ақлий меҳнатдан анчайин зўриққансиз. Энди жисмоний иш билан шуғулланиб бироз ҳордиқ чиқаринг. Тушқунликка тушманг. Ҳаммаси яна олдингидай ўз изига тушиб кетади.

**ПАЗИЗОД.** Ҳафтанинг биринчи ярмига шартнома ва учрашувларни режалаштиришингиз мумкин. Аммо кўнглисиз учрашувлардан қочманг. Акс ҳолда ҳамма режангиз барбод бўлиши мумкин.

**ТАРОЗИ.** Ишда ташвишли муаммолар билан банд бўласиз. Катталар билан асло тортишманг. Оилавий муаммоларни ҳам бартараф қилинг. Дам олиш кўни яқинларингиз ҳолидан хабар олинг.

**ЧАЁН.** Ҳафта давомида ҳеч қандай янги иш бошланг. Чунки ҳали вақти эмас. Дўст-биродарларингиз даврасидан узоқлашманг.

**ЎКОТАР.** Душанба кўни ҳамкор ёки дўст орттиришингиз мумкин. Ишда катталар ҳамда раҳбарларга ўз фикр ва режаларингизни баён этишингиз айти вақти.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Ушбу ҳафта ҳаётингизда ташвиш ва муаммолар келиб чиқмаслик учун ҳаракат қилинг. Айниқса катталар билан умуман тортишманг. Шундай қилсангиз кўзлаган мақсадингизга эришасиз.

**ҚОВҒА.** Ишдаги ҳамкорларингиз билан эҳтиётроқ бўлиб муомалада бўлинг. Душанба кўни анчадан бери қўришманг одамингиз билан кўришасиз. Дам олиш кўни оилангиз билан маданий ҳордиқ чиқаринг.

**БАЛИК.** Ишдаги талаб ва муаммолар сизни ташвишга солмоқда. Асабийлашмасдан ҳаммасини бир бошидан бошлаб, бартараф қилинг. Дам олиш кўни табиат қўйнида ҳордиқ чиқаринг.

### Балансовый отчет по СП ОАО «INTER TRANS SERVIS» на 1. 01. 2006 г.

тыс. сум.

Наименование	Актив	Пассив
1 Основные средства(остат. стоим.)	1173344,3	
2 Нематер.активы(ост. стоим)	0	
3 Долгосрочные инвестиции	24655,7	
4 Долгоср. дебиторская задолженность	599392,6	
5 Производственные запасы	33484	
6 Расходы буд. периодов	194,6	
7 Денежные средства	866,6	
8 Дебиторско-кредиторская задолженность	105830,7	399999,8
9 Уставной капитал		325496,5
10 Добавленный капитал		201939,9
12 Резервный капитал		342537,7
13 Нераспределенная прибыль		724,9
14 Целевые поступления		28049,9
15 Долгосрочные обязательства		639019,8
<b>итого</b>	<b>1937768,5</b>	<b>1937768,5</b>

Доходы СП ОАО «INTER TRANS SERVIS» за 2004 г. — 1229103,6

Расходы — 1309570,9

Чистая прибыль — 724,9

Достоверность баланса подтверждается ЧФ «АММ-Автоаудит» лицензия №002230 от 10.10.2001 г.

### НЕГА «ҚОРАСУВ» ДЕЙМИЗ?

Қорасув — Бўзсувнинг сўл ирмоғи ҳисобланади. У Бўзсув ГЭСининг пастки қисмидан бошланади. Бу канал Тошкентнинг жанубий шарқини сув билан таъминлаб турган. Топонимик ибораларда Қорасув куруқлик маъносига қўлланилади. Шунга кўра Қорасув (ердан чиққан сув), яъни сизот суви деб тушунмоқ мумкин. Қадимда халқимиз сизот сувлари ва булоқлардан ҳосил бўлган сой ва анҳорларни «Сийёх-об» ёки қисқартириб сийёб, яъни Қорасув деб юритиб келган.

Археологик маълумотларга кўра, халқда Чирчиқ дарёси тошқинлар ва сизот сувларидан ҳамда Салор, Қорасув, Жўнарик сингари табиий сув манбаларидан ҳосил бўлган. Сибирь ва Қозоғистон, қисман Ўзбекистон ҳудудларида Қорасув (сўзлашувда Қорасув бўлиб кетган) қабиласи яшаганлиги ва Ўрта Осиё халқлари билан маданий алоқада бўлганлиги маълум.

### КОНИ ФОЙДА

Маълумки, нефтни қайта ишлаш жараёнида ҳар хил чиқинди газ (водород, метан, бутан, этилен), кокс ва бошқа моддалар пайдо бўлади. Бу чиқинди моддалар ҳам аслида «Қора олтин» заррачаларидир. Кўп маҳалгача бу моддалар ишлаб чиқаришда ҳавога чиқариб юборилар ёки қуйдириб ташланарди. Кейинчалик маълум бўлдики, бу чиқиндиларни ташкил этган углеводород ва бошқа моддалар бир қанча синтетик материаллар тайёрлаш учун хомашё бўлиши мумкин экан. Нефть, нефтли ва табиий газлар кимё саноатининг ривожини учун, юқори молекулали бирикмалар ишлаб чиқариш учун ҳам битмас-туганмас хомашё негизидир. Нефтьдан мингта яқин кимёвий маҳсулот, бундан ташқари ҳар хил ёқилгилар, сунъий каучук ва яна кўп бошқа маҳсулотлар олинади.

А.АЛИЕВ тайёрлади

ISHONCH

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Бош муҳаррир биринчи ўринбосари Зайниддин РИХСИЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 4 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

E-mail: ishonch\_doverie4@mail.ru

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;  
Касаба уюшмалари ҳаёти бўлими 56-87-63

Маънавият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Навр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди - 21.40

Тиражи: 15408

Буяртма Г— 614